

КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК — ИСЛОХОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ УЧУН ЗАМИН

Президент Шавкат Мирзиёев 7 июль куни Наманган вилоятида ислохотлар натижадорлиги, ҳудудлардаги ишларнинг бориши ва лойиҳалар ижроси юзасидан ҳисобот билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 2 декабрдаги қарори билан Наманган вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари белгиланиб, катта марра олинган эди. Жумладан, бу йил 4,2 миллиард доллар инвестиция жалб этиш, 1 миллиард доллар экспорт қилиш, 323 минг иш ўрни яратиш, 55 минг оилани камбағалликдан чиқариш режалаштирилган.

Бунда энг катта замин — кичик бизнес ва тадбиркорлик. Наманганда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 82 фоизи шу соҳада рўзгор тебратяпти.

Йил бошидан бери вилоятга қарийб 1 миллиард 600 миллион доллар инвестиция киритилган. Лекин бунинг катта қисми Наманган шаҳри ва марказий туманларга тўғри келиб, Мингбулоқ, Норин, Уйчи ва Чортоқда ҳам сармояларни кўпайтириш керак. Экспортда ҳам маҳсулотлар турини кенгайтириш ва чекка туманлар салоҳиятини ошириш зарур.

Вилоят қишлоқ хўжалигида ҳам мўл ҳосил етиштирилмоқда. Биргина Янгиқўрғонда даромад гектаридан 20 минг доллардан юқори.

Шу каби имкониятларни тўлиқ ишга солиш учун Президентимиз ташаббуси билан ҳудудлар маъмурий ва иқтисодий

жиҳатдан ислоҳ қилинмоқда. Наманган вилоятида ҳам мутахассислар, илғор тадбиркорлар ва хорижий экспертлардан иборат “Ислохотлар штаби” иш бошлади. Уларнинг биргаликдаги изланишлари натижасида яна 1 миллиард долларлик лойиҳалар шаклланди.

Йигилишда мутасаддилар ана шу янги имкониятларни тақдимот қилди. Қайд этилганидек, лойиҳалар натижасида жами 12 минг иш ўрни, бюджетга қўшимча 200 миллиард сўм тушум, 160 миллион доллар экспорт манбаи пайдо бўлади. Масалан, Норин туманида аҳоли хонадонларида интенсив усулда балик етиштириш, Мингбулоқда ўрдақчиликни ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Улар озиқ-овқат маҳсулотлари мўллигини таъминлаши ва кўплаб иш ўринлари яратиши билан аҳамиятли. Давлатимиз раҳбари бу тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам татбиқ этиш зарурлигини таъкидлади.

Бугунги кунда вилоятда 55 минг ишсиз аҳоли, 44 минг камбағал оила бор. Уларни касбга йўналтириб, иш топишига кўмаклашиш, ўз уйида даромад манбаи яратиш вазифаси қўйилди. Ижтимоий муҳитни мустаҳкамлаш, маҳаллаларни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ИНВЕСТИЦИЯ ВА ЭКСПОРТ ТЕЗ ЎСАЁТГАН ҲУДУДГА АЙЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятида ислохотлар натижадорлиги, ҳудудлардаги ишларнинг бориши ва аҳолини қийнаётган масалалар ҳал этилиши юзасидан ҳисобот билан танишди.

Ўтган йили 31 декабрда Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича Президент қарори қабул қилиниб, зарур масалалар ҳал этиб берилган эди. Хусусан, 2025 йилда 2 миллиард доллар инвестиция жалб этиш, экспортни 285 миллион долларга етказиш, 168 минг кишини ишли қилиш чора-тадбирлари белгиланганди.

Бу вазифалар бирин-кетин бажарилмоқда. Ўтган олти ойда Жиззахда саноат, сервис ва қишлоқ хўжалиги соҳасида 200 та лойиҳа ишга тушди. Вилоятга 662 миллион доллар инвестиция кириб келди. Лекин Дўстлик, Зафаробод, Пахтакор, Мирзачўл туманлари бу борада анча орқада қоляпти. Шу боис, янги лойиҳаларни, аввало, шу туманларга жойлаштириб, аҳолини ишли қилиш зарур.

Сўнгги вақтларда вилоятда 250 миллион долларлик йирик туризм мажмуалари ишга тушгани натижасида бир йилда сайёҳлар оқими 2 карра ошди. Буни янада ошириш учун ҳамма шароит бор.

Яна бир катта имконият — ер. Жиззахда 1 миллион 300 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерлари бўлгани билан атиги 40 фоизда экин экиляпти. Бир гектарга

тўғри келадиган ўртача даромад ҳам бошқа вилоятларга нисбатан кам. Аслида, ердан самарали фойдаланиб, озиқ-овқат маҳсулотлари ва чорва озуқасини кўпайтириш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббусига мувофиқ, Жиззах вилоятида ҳам мутасаддилар, соҳа мутахассислари ва етакчи тадбиркорлардан иборат “Ислохотлар штаби” тузилди.

Йигилишда мазкур штаб томонидан тайёрланган янги лойиҳалар тақдимот қилинди. Унга кўра, умумий қиймати 520 миллион долларлик 200 та лойиҳа шакллантирилган. Уларнинг натижасида 12 мингта иш ўрни, бюджетга қўшимча 120 миллиард сўм тушум, 100 миллион долларлик экспорт имконияти яратилиши кўзда тутилган.

Президентимиз лойиҳаларнинг иқтисодий асоси ва бозор талаби билан қизиқди. Ҳокимлар ва “Ислохотлар штаби” биргаликда ишлаб, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва хизмат соҳаларида “катта сакраш” қилиши кераклиги таъкидланди. Шунда Жиззах вилояти инвестиция, иш ўрни, аҳоли даромади ва экспорт энг тез ўсаётган ҳудудлардан бирига айланади.

ЎЗА

КўП ҚИРРАЛИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон — Қатар стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Суҳбат аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Қатар Амирининг Яқин Шарқда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги фаол саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади.

Кейинги пайтларда жадал тус олган икки томонлама мулоқот ва алмашинувлар самарали бўлаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро товар айирбошлаш ва инвестиция кўрсаткичлари фаол ўсмоқда, саноат кооперацияси ва инфратузилмани модернизация

қилиш бўйича йирик лойиҳалар техник жиҳатдан тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда.

Шу маънода, бўлажак юқори даражадаги тадбирлар, шу жумладан, ташқи ишлар вазирлари раислигидаги Мувофиқлаштирувчи кенгашининг биринчи учрашуви, Ҳукуматлараро комиссия, Ишбилармонлар кенгаши йигилишлари ва бизнес форуми натижадор бўлишига муҳим эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Қатар етакчилари олий даражадаги тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

ЎЗА



Халқаро ҳамкорлик

Президентимиз жорий йил 2-4 июль кунлари давлат ташрифи билан Озарбайжонда бўлди. Географик жиҳатдан мамлакатларимиз ёндош, қўшни бўлмаса-да, ўзаро алоқалар тобора ривожланмоқда. Зеро, тарихий илдизлар, дин, анъана ва қадриятларимиз муштараклиги, тил ва маданиятларимиз ўхшашлиги халқларимизни бир-бирига боғлаб туради.

ШЕРИКЛИКДАН ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИГАЧА БЎЛГАН ИШОНЧ ЙЎЛИ

Ўзбекистон — Озарбайжон ўртасидаги мулоқотлар очик, прагматик ва конструктив характерга эгаллиги билан аҳамиятли.

Айниқса, олий даражадаги учрашувлар икки томонлама алоқалар ривожига кучли туртки бермоқда.

Давоми 2-бетда

Янгиланишлар харитаси

БУЮК МАҚСАД САРИ ЭЛТУВЧИ МАШЪАЛ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР САМАРАСИ



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” ГАЗЕТАСИДА ЯНГИ ЛОЙИҲА — “ЯНГИЛАНИШЛАР ХАРИТАСИ”.

Мамлакатимиз тараққиётнинг янги босқичига чиқди. Ана шу жараёндаги ўзгаришлар ҳудудларда қай йўсинда амалга ошмоқда? Бунда оддий одамларнинг ҳаётидаги янгиланишлар нималардан иборат? Олис қишлоқ ва овулларда яшаётган юртдошларимизнинг ўй-фикрлари, орзулари қандай? Шу каби саволларга жавоб топиш учун газетамизнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги муҳбирлари билан онлайн гурунг ташкил этиб борамиз. Журналистлар ўз ҳудудидаги янгиланишлар динамикаси, ислохотлар самараси ҳақида айтиб беради. Мақсад пойтахтдан олисда, оддий одамлар орасида юрган журналистлар нигоҳи ила мамлакат бўйлаб қулоқ ёзган янгиланишлар харитасини кўриш, тасаввур этишдир. Илк суҳбат мавзуси эса мактабгача таълим қамрови бўлди.

Давоми 3-бетда

Тараққиёт одимлари

ЎЗБЕКИСТОН “ЯШИЛ ВОДОРОД” ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАРДАН БИРИ



Ўзбекистон дунёда “яшил водород” ишлаб чиқарадиган олтинчи давлатга айланди. Президентимиз ташаббусига кўра, Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси билан ҳамкорликда 2023 йил ноябрь ойида Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида пойдевори қўйилган лойиҳа жорий йилнинг июнь ойида ишга туширилди. Шу тариқа мамлакатимиз янги саноат маҳсулоти — “яшил водород” ҳамда яшил аммиак, яшил минерал ўғитлар ишлаб чиқара оладиган саноқли давлатлар қаторидан жой олди.


Ушбу тарихий воқеликнинг аҳамиятини тўлақонли англаш учун бугунги экологик вазият, муқобил энергия ривожини, дунё миқёсида “яшил водород” ишлаб чиқариш тармоғи ва келгуси истикболларини таҳлил қилиш керак...

Давоми 2-бетда

Агар Ўзбекистонда охириги йилларда энг тез ривожланаётган соҳалардан бири қайси десангиз, шубҳасиз, электротехника саноати деб айта оламиз. Гарчи яқин вақтгача бу саноатда ишлаб чиқариш деярли бўлмаган. Электротехника ускуналари юртимизга, асосан, хориж давлатларидан олиб келингани, маҳаллий бренд маҳсулотлар эса сифат жиҳатидан улар билан рақобатлаша олмаганини кўпчилик яхши эслайди. Ҳозир эса электрон техника бозорида ҳам сифат, ҳам нарх жиҳатидан афзалликларга эга бўлган ўзимизнинг маҳсулотларни танлаяпмиз.

ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР САНОАТИ


Юқори технологик маҳсулотларимиз ҳам сифат, ҳам нарх жиҳатидан афзалликларга эга



Бу муболага эмас. Ҳақиқатан, мамлакатимизда электротехника саноати шунчалик тез ривожландики, сон билан бирга сифат ҳам кескин ошди. Миллий брендларимиз пайдо бўлиб, дунёнинг кўплаб давлатларига экспорт қилиняпти. Охириги 7 йилда юртимизда электротехника соҳасига 1 миллиард доллар миқдорида инвестиция

киритилди. Тармоқда 762 та корхона ишга туширилиб, 45 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Аҳамиятлиси, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган 200 турдан зиёд электротехника маҳсулотларининг 195 тури хориж бозорларига экспорт қилинмоқда.

Давоми 4-бетда



ШЕРИКЛИКДАН ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИГАЧА БЎЛГАН ИШОНЧ ЙЎЛИ



Бошланиши 1-бетда

ЎШ ШАҲРИДА АЛИШЕР НАВОЙЙ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Тантанали маросимда Ўш шаҳар мэри Женишбек Токторбаев, Халқ депутатлари Ўш шаҳар Кенгаши раиси Болотбек Баевтов, шаҳар Кенгаши депутатлари, Қирғизистон ТИВ ходимлари, ўзбек миллий маданий марказлари фаоллари ва маҳаллий аҳоли вакиллари иштирок этди.

Тадбирда шаҳар мэри Ўзбекистон ва Қирғизистон алоқаларининг бугунги ҳолати ҳақида тўхталиб ўтди. “Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Президенти Садир Жапаров давлат раҳбари сифатида иш бошлаганидан буён икки мамлакат ва халқларимиз ўрта-сидаги алоқалар янги босқичга кўтарилди. Бугунги кунда ҳамкорлик ўрнатилмаган соҳа қолмади ва икки давлат раҳбарларининг сай-ҳаракатлари билан ушбу дўстлик ҳамда стратегик ҳамкорлик муносабатлари юқори даражага чиқди”, деди Женишбек Токторбаев.

Халқ депутатлари Ўш шаҳар Кенгаши раиси Болотбек Баевтов, ўз навбатида, Навоий меросига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш ҳар бир туркий халқнинг бурчи эканини таъкидлади: “Навоийга ўрнатилган ушбу ёдгорлик мамлакатларимиз тарихида муҳим воқеа бўлиб қолади ҳамда ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги яқин қўшничилик, қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади”.

Анжуман давомида Бобур номидаги Ўш шаҳар академик мусиқали драма театри ижодий жамоаси ва Ўш давлат филармонияси хонандалари томонидан Навоий ҳаётига бағишланган сахна кўринишлари ҳамда унинг ғазалларига басталанган мумтоз кўнрақлар ижро этилди.

Таъкидлаш керакки, Ўш шаҳрида буюк шоир ва мутафаккирга ҳайкал ўрнатилиши бутун жамоатчилик томонидан юксак баҳоланди.

“Дунё” АА



Халқаро ҳамкорлик



Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги иқтисодийнинг муҳим тармоқларини қамраб олган инвестициявий ҳамкорлик тобора амалий тус олмоқда. Икки давлат инвестиция компанияси умумий қиймати 360 миллион доллардан ортиқ бўлган 15 та лойиҳани молиялаштиришда иштирок этди.

савдо, машинасозлик ва металларга ишлов бериш, молия ва сугурта, кўчмас мулк, энергетика, хизмат кўрсатиш, заргарилик буюмлари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ва енгил саноат каби қатор соҳаларни қамраб олади.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги иқтисодийнинг муҳим тармоқларини қамраб олган инвестициявий ҳамкорлик тобора амалий тус олмоқда. Икки давлат инвестиция компанияси умумий қиймати 360 миллион доллардан ортиқ бўлган 15 та лойиҳани молиялаштиришда иштирок этди.

Транспорт соҳасида ҳам ҳамкорлик барқарор ривожланмоқда. 2024 йилда давлатларимиз ўртасидаги юк ташиш ҳажми 105 минг тоннани ташкил этди. Ўзбекистон юкларининг Озарбайжон ҳудуди орқали транзити бир миллион 91 тоннадан ошди. Бу эса мамлакатнинг ишончли транспорт маркази сифатидаги аҳамиятини янада кучайтирмоқда. Бунда авиация ҳам муҳим бўғиндир. Тошкент ва Боку ўртасида мунтазам авиақатновлар йўлга қўйилган.

Халқаро экспертлар таъкидича, Президентимизнинг Озарбайжонга давлат ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихидаги муҳим босқич бўлди. Ушбу ташриф икки давлат ҳам амалий ҳамкорликни янада кенгайтиришга тайёр эканини яққол намоян этди.

Олий даражадаги музокаралар, имзоланган битим ва эришилган келишувлар савдо-иқтисодий алоқаларни жадаллаштириш, саноат, энергетика, транспорт-логистика ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш учун муҳим пойдевор яратди.

Ўзбек ва озарбайжон жамоатчилиги ушбу тарихий ташриф натижаларини юксак баҳолаб, Бокуда Ўзбекистон элчихонасининг янги биноси барпо этилиши ҳамда икки мамлакат етакчилари иштирокida “Ўзбекистон” боғига тамал тоши қўйилганини халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарининг яна бир рамзий ифодаси сифатида эътироф этмоқда.

Бокудаги “Ўзбекистон” боғи давлатларимиз ўртасидаги мустақам дўстлик ва стратегик шериклик, иттифоқчиликни акс эттирувчи йирик

маданий лойиҳадир. Озарбайжон пойтахтидаги бу боғ оддий инвестицион лойиҳа эмас. У икки қардош халқ ўртасидаги маънавий яқинлиқни, ўзаро англашувни ва маданий бирлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Янги боғ пойтахтнинг нуфузли ва жадал ривожланаётган Оқшаҳар мавзесидан ўрин олди. Лойиҳага кўра, 4,5 гектар майдонда Ўзбекистоннинг бой маданияти ва анъаналарини намойиш этадиган улкан мажмуа барпо қилинади. Боғ ҳудудида юртимиз меъморий обидалари нусхалари, сайилгоҳлар, яшил ҳудудлар, меҳмонхона, турли савдо ва кўнгилочар масканлар ташкил этилади. Бинолар қурилиши ва безатида ўзбек миллий меъморчилиги анъаналари ҳамда нақшларидан фойдаланилади.

Боғ йилига 800 минг дам олувчини қабул қилиш имконига эга. Бу эса Ўзбекистон маданий меросига нисбатан Озарбайжон жамоатчилиги ва хорижий меҳмонлар орасида қизиқишни янада оширишга сабаб бўлади. Ушбу боғ Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги маданий элчихонасига айланиши кутилмоқда. Унинг меъморий концепцияси Буюк ипак йўли шаҳарлари — Бухоро, Самарқанд ва Хиванинг улутвор қиёфасидан илҳомланади.

Ташриф давомида икки томонлама муҳим ҳужжатлар имзоланди, — дейди Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғи Амир Султонов. — Аввало, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йилгили қарори қабул қилинганини қайд этиш керак. Энг муҳим ҳужжатлардан яна бири Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани 2025-2029 йилларда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” бўлди. Бунда 150 дан ортиқ аниқ лойиҳани рўёбга чиқаришга қаратилган сай-ҳаракатлар белгиланган.

Яна бир муҳим жиҳат. Музокаралар чоғида икки томонлама савдо ва инвестициялар ҳажминини яқин йилларда 1 миллиард долларга етказиш бўйича қўшма амалий чоралар кўришга келишиб олинди. Савдо ва кооперацияни рағбатлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қилинди.

Шунингдек, ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида ҳамкорликнинг амалдаги форматлари кенгайтирилади ва янгилари йўлга қўйилади. Масалан, Тадбиркорлар кенгаши тузилади. Саноат ва иқтисодий зоналар форуми ўтказилади.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг Озарбайжонга давлат ташрифи истиқболда икки дўст ва қардош мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик ҳамда ҳамкорлик муносабатларини янада жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЎЗБЕКИСТОН “ЯШИЛ ВОДОРОД” ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАРДАН БИРИ

Тараққиёт одимлари

Бошланиши 1-бетда

Экологик муаммолар тарихи инсоният илк цивилизацияси давралига бориб тақалади. Яъни табиат билан муносабатларда кўпинча эҳтиётсизликка йўл қўямиз ва натижада меъёр издан чиқади. Масалан, бундан 3700 йил олдин қадимий Месопотамия аҳолиси сони ортиши натижасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига талаб кўчади. У ерда ишайдиган шумерлар эса тез ва кўп егини етиштириш мақсадида далаларни керегадиган ортиқ сугоради. Бу эса тупроқнинг шўрланиши, унумсиз ва яроқсиз ҳолга келиб қолишига сабаб бўлади. Урта асрларда эса Англияда меъёридан ортиқ кўмир ёқилиши натижасида ҳаво ифосланиши натижасида каррасига ортиб кетган.

Дунё миқёсида табиатга инсоннинг салбий таъсири кучая бошлаган нукта XVIII асрдаги саноат инқилобидир. Кейинги юз йил икки юз йил ичида барпо этилган йирик завод ва фабрикалар, саноат корхоналари юксак иқтисодий ютуқларга эришти, ишлаб чиқариш қамрови ортиб, инсоният эҳтиёжини қондириш билан бирга асосий қувват манбаи сифатида нефть, кўмир, газ каби экологияга зарарли ёқилғидан фойдаланишни оқийбатида азон қатлами емирилиши, атроф-муҳит ифосланиши, кескин иқлим ўзгариши каби глобал муаммоларни юзага келтирди.

Айниқса, кейинги йилларда дунёнинг турли минтақаларида ҳаво ҳароратининг кескин ортиб кетиши ёки аксинча, тушиши, сув тақчиллиги, шаҳарларда ҳаво ифосланиш даражасининг кўтарилиши, яшил майдонларнинг йил сайин камайиб бориши экологик муаммолар ҳақида чуқур бош қотириш керак эканини кўрсатди.

Дунё олимлари, экспертлар бу муаммонинг энг оқилона ечимларидан бири сифатида кундалик турмуш, қишлоқ ҳўжалиги, саноат корхоналарида атмосферага захарли ис гази чиқарадиган нефть, газ, кўмир маҳсулотларидан ёқилғи сифатида фойдаланишни камайитириш, босқичма-босқич қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш улушини ортитиш эканини қайд этмоқда. Шунингдек, ушбу энергия воситаларининг энг катта афзаллиги тугамайдиган манбалар сирасига киришидир.

Бу борада дунё миқёсида жадал сурьатда ўсиш кузатишмоқда. Халқаро энергетика агентлиги (ХЭА) маълумотларига кўра, 2025 йил қайта тикланадиган энергия манбаларининг электр ишлаб чиқаришдаги улуши 29

foisдан 35 foisга ортиши кутилмоқда. Ўзбекистонда ҳам муқобил энергия манбаларига таянган “яшил иқтисодиёт”га ўтиш бора-сида тизимли, орта қайтмас ислохотлар олиб боришмоқда. 2025 йилнинг “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” деб номланиши ҳам масалага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини англатади. Эътиборлиси, юртимизда қайта тикланувчи манбалар улушини жорий йилда электр энергия ишлаб чиқаришда 26 fois, 2027 йилдан 30 fois, 2030 йилдан 55 foisга етказиш мақсад қилинган.


Арзон, хавфсиз ва
экологик тоза ёқилғи

Рақамларга ортиқча урғу беришининг ҳо-жати йўқ. Гувоҳи бўлаётганимиздек, ҳозир кундалик ҳаётимизда қайта тикланувчи энергия воситаларидан фаол фойдаланишмоқда. Жумладан, кўчаларда турли русумдаги электробиллар сон ортаётти. Йўл бўйидаги чи-роқлар, уйлар, мактаб, боғча, шифохоналар кўёш панеллари билан ёритилляпти. Водий, қир-адирларда йирик шамол электрстан-циялари барпо этилмоқда. Аҳоли муқобил энергиянинг фойдасини сезгач, арзон ва қўлайлиги учун ундан фойдаланишни та-наляпти. Ҳукумат экологияга зарарсиз манба-лардан фойдаланаётган юртдошларимиз ва тадбиркорларни субсидия ажратиш, турли



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!

имтиёзлар бериш орқали қўллаб-қувватла-моқда. Бу эса уларнинг янада оммалашishi-га замин яратяпти. Бутун нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёда муқобил энергия ишлаб чиқариш ва уни оммалаштириш энг муҳим масала-лардан бири бўлиб турибди. Лекин дунё тажрибаси айрим соҳаларда нефть, кўмир, газ ёқилғиларини бутунлай муқобил энер-гия билан алмаштириш имкониси эканини кўрсатмоқда. Хусусан, халқаро транзит — кема ва самолётларда ҳали ҳам аънавий энергия манбаларидан фойдаланишмоқда. Шунингдек, йирик саноат корхоналари



“

“ACWA Power” компаниясининг 88 миллион долларлик инвестицияси билан барпо этилган мазкур завод биринчи босқич, яъни жорий йилда 3 минг тонна “яшил водород” ишлаб чиқариш қувватига эга. Яна бир жиҳат, заводнинг 95 fois ишчилари хорижда малака ошириб келган маҳаллий мутахассислар, улар орасида Дубай шаҳрида малака оширган коллеж битирувчилари ҳам бор.

учун катта қувват зарур бўлиши сабабли бу соҳаларни муқобил энергия воситалари кенг қамраб ололмаляпти. Уларни узоқ муд-дат сақлаб туриш, катта ҳажмда бир жойдан бошқа жойга кўчиришдаги ноқулайликлар барча тармоқни бирдек қамраб олишга йўл бермаляпти.

Бу муаммони эса муқобил энергия восита-си ёрдамида ишлаб чиқариладиган “яшил во-дород” ёқилғиси ҳал этади. У экологик тоза, арзон ва хавфсиз маҳсулот бўлиб, юқоридаги ноқулайликларга сабаб бўлмайдй. “Энг аввало, “яшил водород” нима экани-ни билиб олишимиз зарур. Аслида, уч хил: “кулранг водород”, “кўк водород” ва “яшил водород” ёқилғилари мавжуд. Уларнинг бар-часи кундалик ҳаётда энергия манбаи сифа-тида ишлатилади. Сувдан водородни ажратиб олишда қайси усулдан фойдаланишига қараб, улар бир-бириндан фарқ қилади.

Масалан, “кулранг водород” сувдан кўмир ва метан газли орқали ажратиб олинади. “Кўк водород” ҳам аънавий энергия манбалари сарф этилган ҳолда ажратиб олиниб, турли технологиялар билан ишлов берилади.

этади. Рақамлардан ҳам “яшил водород” иш-лаб чиқариш келажак соҳаси эканини англаш мумкин.

Айниқса, Япония, Хитой, АҚШ, Евро-паннинг гигант давлатлари “яшил водород” ёқилғисини ишлаб чиқариш ва ундан фаол фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Масалан, Германия тармоққа энг кўп сармоя киритаёт-ган давлатлардан. У ерда ёқилғи қувурлари, унинг қўйиш шохобчаларини барпо этиш ва соҳада илмий тадқиқот олиб бориш ишлари жадал сурьатда кетаётганини кўрган мута-хассислар давлатни “яшил водород” инқи-лоби бошида турибди дея таърифламоқда. Германия 2024 йил “яшил водород” ишлаб чиқариш йўналишидаги йиғирмага яқин ло-йиҳага 13,2 миллиард евро ажратган.

Япония эса нафақат “яшил водород” иш-лаб чиқариш, балки ушбу ёқилғи орқали ҳа-ракатланадиган автомобилларни яратиш бў-йича ҳам бошқа мамлакатлардан илгариллаб кетган. Жумладан, мамлакатда ишлаб чиқа-риладиган “Toyota Mirai” автомобили “яшил водород” ёқилғиси билан юрадиган энг маш-хўр русумлардан бири.

Хитой, араб мамлакатлари ҳам бу борада аниқ ривожланиш стратегияларини белгилаб, “яшил водород” ёқилғиси ишлаб чиқариш со-ҳасида етакчилиқни ўз қўлига олишга урин-моқда.

Қувонарлиси, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати натижасида биз ҳам бугун-ги кунда “яшил водород” ишлаб чиқарадиган саноқли мамлакатлардан бирига айландик.

Яқин келажакда
автомобилларимиз сув
ёрдамида юрса, не ажаб

“Бу машина сувда эмас, бензинда юради” деган иборани кундалик ҳаётимизда кўп бор эшитганмиз. Балки қачондир ҳаёлингиздан “Наҳотки сув воситасида ҳаракатланадиган транспорт яратишнинг имкони бўлмаса?” деган фикр ўтандир. Бутун ҳам автомобиллар сувда юра олмайдй, аммо қайта тикланувчи энергия манбалари асосида сувдан олиннадиган “яшил водород” да ҳаракатлантириш мумкин.

Чиряқ шахридаги “Яшил водород” ишлаб чиқариш заводи эса келгусида бизга ҳам бу имкониятни беради. “ACWA Power” компания-сининг 88 миллион долларлик инвестицияси билан барпо этилган мазкур завод биринчи бос-қич, яъни жорий йилда 3 минг тонна “яшил во-дород” ишлаб чиқариш қувватига эга. Яна бир жиҳат, заводнинг 95 fois ишчилари хорижда малака ошириб келган маҳаллий мутахассис-лар, улар орасида Дубай шаҳрида малака ошир-ган коллеж битирувчилари ҳам бор.

Заводда фақат “яшил водород” ёқилғисидан фойдаланиб, шу туркумга кирувчи яшил аммиак ва минерал ўғитлар тайёрлашга тенг, — дейди “Ўзкимёсанов” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Оқил Темиров. — Бундан ташқари, яшил аммиак ва яшил минерал ўғитларни экспорт қилиш, жаҳон ва Европа бозорларига олиб чиқиш учун айна пайтда маҳсулотни сертификатлаш ишлари ҳам олиб боришмоқда. Дунёда бу маҳсулотларга талаб йил сайин ортиб борапти. Сабаби қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда яшил минерал ўғитлардан фойдаланиш рақо-батбардошлиқни оширишга замин яратяди.

Хулоса қилиб айтганда, “яшил водород”, “яшил” минерал ўғитлар ишлаб чиқариш иқтисодиётимизга катта фойда келтиради. Транспорт, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳа-ларига бу маҳсулотларни татбиқ қилиш тар-моқларни каррасига ривожлантиришга ҳрисса қўшади. Жаҳон бозорига бу маҳсулотларга талаб юқори экани эса уни сотишдан ҳам мўйай даромад олиш мумкинлигини билди-ради. Ушбу маҳсулотларнинг тайёрланиши ва фойдаланилишида экологияга зарар етказ-маслик, арзонлик ва хавфсизлик устуворлиги уларнинг қадрини янада орттиради.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



БУЮК МАҚСАД САРИ ЭЛТУВЧИ МАШЪАЛ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР САМАРАСИ

► Бошланиши 1-бетда

Янгиланишлар харитаси

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ (Қорақалпоғистон Республикаси):

— Мактабгача таълим йўналишидаги янгиланишлар ҳаётимизда жуда катта ўзгариш ясади. Бу ҳақда бафуржа гаплашамиз... Ҳозир қамров масаласига тўхталмоқчи эдим. Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 15 май куни мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самардорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан видеоселектор йиғилишини ўтказганди. Унда таъкидланишича, **сўнгги етти йилда боғчалар билан қамров 700 мингдан 2,3 миллионга етказилган. Бугун юртимизда 7 мингта давлат ва 31 мингдан зиёд хусусий боғча фаолият юритаётир.**

Бу рақамлар ортида инсон тақдири, қанчадан қанча одамлар қувончи бор. Мазкур ўзгаришлар сабаб энг чекка овул ва қишлоқларда ҳам болалар боғчага борапти. Масалан, “Қизилжар” овул фуқаролар йиғини Мўйноқ тумани марказидан 85 километр узоқда жойлашган. Эркабой Умаров ўша овулдаги мактабда бошланғич синфларга дарс беради. Унинг айтишича, биринчи синф ўқувчиларига дарс ўтишга доим қийналган. Чунки болалар мактабга кўнник



мага эга бўлмай келган. Ўзгаришлар сабаб Эркабой бу муаммага ечим топди. Уйда 22 ўринли боғча очди, беш кишини иш билан таъминлади. Бугун у нафақат педагог, балки тadbirkор ҳам. Ҳозир боғчада фақат битта гуруҳ тарбияланипти. Эҳтиёждан келиб чиқиб, келажакда гуруҳларни янада кўпайтиришни мақсад қилган. **Бир пайтлар олис овулдаги одамлар, айниқса, ёшлар катта шаҳарга кўчиб кетарди. Шу боис,**

уларга тadbirkорлик бегона эди. Энди қарашлар ўзгарди. Чекка овулларга ҳам ҳаёт нафаси кириб борди. Одамлар яратувчанлик руҳида яшайпти. Қаҳрамонимиз Эркабой ҳам келажакда Қизилжар овулида хусусий мактабини очмоқчи.

— Набирам бир йилдан бери боғчага қатнайди. Хат-саводи чиқиб қолди. Бу ерда машгулотларни ўз вақтида бажаради, ухлаб дам олади. Ота-она сифатида бундай имкониятдан хурсандимиз, — дейди Мўйноқ тумани “Қизилжар” овул фуқаролар йиғинида яшайдиган Олтингул Пирмағанбетова. — Илгари туман марказидаги боғчага қатнардик. Олис йўл, кузда ёмғир, ёзда иссиқ, қишда совуқ суяқдан ўтади. Қатнаш азоб эди. Шунинг учун боғчага боришдан бормаслик кўп бўларди. Бундай пала-партишлик бола тарбиясига салбий таъсир қилади. Муаммо ечим топди. Болалар ҳар куни боғчага борапти. Улар ишончли қўлларда билим оляпти. Натижада оналар уй юмушларини бемалол бажариб, ўзига қарашга ҳам вақт топапти.

Узоқ йиллар боғча масаласи оғриқли нуқтаимиз эди. Соҳадаги ўзгаришлар, хусусий секторга ҳам йўл очилгани туб бурилишга сабаб бўлди.

Шамсиева. — Қизим эмалмасди, жойидан турмас, бўйинини ҳам кўтаролмасди. Яқинларим тавсияси билан шу ерда реабилитация муолажаларини олишни бошладик. Ҳозир қизим эмаллаб юришга интиляпти. Она учун бола соғлиғидан ортиқ бахт йўқ!

Албатта, олис йўл босиб, бемор бола билан шифо масканига қатнаш машаққат. Иқтисодий етишмовчилик бўлса, янада мушкул. Бунга ҳам ижобий ечим топишган. Стационар шaroитда болалар олиб қолинади. Кундузги режимдагилар кунлик келиб кетади.

— Муассасамизда психолог, дефектолог, суэши ва жисмоний даволаш йўриқчилари, кўз касалликлари ва бошқа йўналишлар бўйича мутахассислар болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатапти, — дейди “Умид” реабилитация марказига эга давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган МТТ фаолият бошлаганди.

У 3-7 ёшгача бўлган болалар учун 72 ўринга мўлжалланган ҳамда 2-18 ёшгача бўлган болалар учун 65 ўринга эга реабилитация марказидан иборат. Муассасада зинтиш, кўриш, таянч аппаратларида оғир нуқсонли бўлган, психик ривожланишда кечикаётган, ақлий заиф ташхислари билан доимий муолажага муҳтож болалар тарбияланади. Аҳолига текин хизмат кўрсатади. Қўшни вилоятларда ҳам болалар муолажа учун келаяпти. Муассасада тўлиқ соғайиш, умумий тиббиди боғчаларга ўтаётган болалар йил сайин қўлайиб борапти. Биргина боладаги ижобий ўзгариш унинг яқинларига кўтаринкилик, шжоат бағишлайди.

— Бу ерга Бухоро вилоятининг Гиждовон туманидан келганман, — дейди Шахноза



1 УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



гани учун боласини шу боғчага берган. Шундай бўлса-да, вақт ўтиши билан 13-МТТ болаларнинг сеvimли масканига айланди. Аммо беш-олти йил ўтмай, бирининг иситиш тизими ишдан чиқди. Сўнг канализация яроқсиз бўлиб қолди. Маъмурият бор имкониятдан фойдаланишга уринар, шунда ҳам киш қўрқув ва хавотир фаслига айланган эди. Чунки хоналар қўлбола печда иситиларди. Бу орада қўшни қишлоқларда ҳам иккита янги боғча қад ростлайди. Афсуски, бу икки муассаса биноси ҳам кўпга бормасди. Яроқсиз бўлиб қолди. МТТлар фаолиятини давом эттиришга ҳаракат қилди, аммо бу имконсиз эди.

— Ушанда фақат бизнинг боғча ҳашар йўли билан таъмирланди, — дейди Ҳузур туманидаги 13-мактабгача таълим ташкилоти директори Нилуфар Жўраева. — Ўзим шу ерда кўп йиллар тарбиячи бўлганман. Қишда совуқ, ёзда иссиқ хонада ишлаш азоб. Гоҳида шaroит йўқлигидан болалар уч-тўрт кунлик таътилга кетарди. Айниқса, қишда қийин эди. Ҳар куни болалар қўлбола печкага яқин бориб жароҳатланмасин деган хавотирда ўтирардик. Биров ҳолинг не демасди. Масъул идораларга кўп мурожаат

қилдик. Ҳар сафар “Ўрганимиз, дастурга киритамиз”, деган жавоб олардик. Шўкр, 2019 йилда ярим асрлик орзумиз амалга ошди. Янги замонавий бино қуриб берилди. Энди барча шaroит бор. Замонавий иситиш, совитиш тизимлари мавжуд. Икки қаватли бино хоналари ёруғ ва шинам. Болалар эркин, қувнаб юради. Уларнинг тимсолида янги Ўзбекистоннинг бахтли келажagini кўраман. Яна бир гап. Бизга яқин ҳудудда жойлашган 29, 32-МТТларга ҳам ўтган йиллар давомида янги бино қуриб берилди. Улар янгидан иш бошлади. Шу тариқа ҳудуддаги барча болалар МТТга тўлиқ қамраб олинди.

Қашқадарёда болаларни боғчага қамраб олиш кескин ошди. Бир пайтлар ота-оналарни болаларни боғчага берайми ёки йўқ деган савол қийнаган бўлса, бугун қай бирини танлаин деган сўроқ қаршисида бош қотирмоқда. Бу қисқа вақтда жуда катта ўсиш дегани. Негаки янги Ўзбекистонда болаларни МТТларга қамраб олиш давлат сиёсати даражасида қўриляпти. Айни ўзгаришлар шунчаки рақамларни юқори кўрсаткичга чиқаришга эмас, том маънода халқни рози қилишга қаратилган.



Ғолиб АБДУСАЛОМОВ (Навоий вилояти):

— Минажатдин оға, олис қишлоқларда боғча очилганини тўғри эътироф этдингиз. Бу катта ўзгариш. Аввал шаҳарларда ҳам боғча муаммо эди. Санокли боғчаларда турнақатор навбатда турардик. Бу коррупцияга ҳам замин яратгани бор гап. Онлайн рўйхатдан ўтиш тизими яратилди. Тагин МТТнинг мазмун-моҳияти бутунлай ўзгариб, таълимда сифатга жиддий эътибор берилляпти.

Расулжон КАМОЛОВ (Фаргона вилояти):

— Соҳа кескин ривожланди. Нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки чекка қишлоқ ва маҳалла-ларда мукамал шарт-шaroитга эга боғчалар қуриляпти. Янги Ўзбекистоннинг қиёфаси боғчалар орқали намоён бўлмоқда. Шу боис, янги қуриляётган уй-жой, массивларда МТТлар барпо этишга жиддий эътибор берилляпти. Масалан, Фаргона туманидаги Илгор массивида намунавий лойиҳа асосида янги уйлар қад ростлади. Илк қўлайлик сифатида боғча қурилди. Уни “Шоҳида Музаффар юксалиш” масъу-ляти чекланган жамияти давлат-хусусий шериклик асосида барпо этди.

— Бугун ота-оналар фарзандини ўзига маъ-қул бўлган, ҳар жиҳатдан қўлай боғчага бериш-ни истайди, — дейди тadbirkор Муножатхон Расулова. — Биз ташкил этган “Келажак авлод” мактабгача таълим ташкилоти энг илгор иш усу-лубларидан андаза олиб фаолият юритмоқда. Замонавий боғча 150 болажонни бағрига олган. Унда инглиз, рус тилларидаги дастлабки сабоқ берилади. Кичкинтойлар дунёқарашини ривож-лантиришга қаратилган бошқа машгулотлар ҳам ўтилади. Боғчада тиббий хизмат йўлга қўйилган, спорт машгулотлари ташкил этилган. Бу ота-она-ларни мамун этмоқда.

Яна бир маълумот. Қўштепа туманидаги Деҳ-қонобод қишлоғи марказдан 15 чақирим узоқда. Қишлоқ аҳолиси, асосан, деҳқончилик, қорвачи-лик билан тирикчилик қилади. Шу кунга қадар қишлоқда боғча бўлмаган. Ишкон тоғлардан узоқ йўл босиб, туман маркази ёки қўшни қишлоқлар-даги МТТларга боласини олиб борган. Қишлоқ марказида 180 ўринли замонавий боғча қурилди. Биргина боғча сабаб 30 та янги иш ўрни очилди. — Келин бўлиб тушганимга 40 йил бўлди, — дейди Лайлохон Соҳибназарова. — Шунча



йилдан буён бу ерда боғча бўлмаган. Ҳозир икки наирам қишлоғимиздаги боғчага борапти. Ша-ҳардаги боғчадан қолишмади. Кенг, ёруғ хоналар, ўйинчоқ ва ўқув қўлланмалар, иссиқ ва совуқ сув тизими борлиги болажонларимиз эмин-эркин тар-бия олишида катта имконият.

Олис қишлоқларда бунёд этилган МТТлар иш ўрни яратди деб оддий қилиб айтиб кетамиз. Аслида, мутахассислиги бўла туриб, уйда ишсиз қолган ўйлаб хотин-қизлар уйдан олисга кетмай иш топди. Бир пайтлар қўлбал мутахассисларни ўқитдик, тайёрладик, лекин уларга иш топиб бер-магандик. Соҳа кемтик эди. Бугун ҳар икки жи-ҳатта бирдек эътибор берилмоқда.

— Қўштепа педагогика касб-ҳунар коллежиде бошланғич таълим йўналишида тахсил олганман, — дейди Мухайё Ҳакимова. — Танлаган касбим бўйича иш йўқ эди. Оилавий шaroитим бошқа ҳудудга қат-наб ишлашга имкон бермасди. Янги боғча қурилган, кичик ёшдаги гуруҳларга тарбиячилик қиламан. Мухими, қўлай ва замонавий шaroитга эга боғча-да севган касбим билан бандман. Инсоннинг қадр тоғгани шу, менимча.

Фарҳод НЕЪМАТОВ (Жиззах вилояти):

— Расулжон ака, жуда муҳим масалаларни ўртага ташладингиз. Соҳа мутахассислари ишли бўлди. Ҳа, биз йиллар давомида мутахассислар-ни ўқитдик, лекин иш ўрни яратмадик. Энди бой берилган имкониятлар ўрнини қоплаш фурсати етди. Ҳозир сизларга ана шундай қаҳ-рамонлардан бирининг ҳикоясини айтиб бермоқ-чиман. Қаҳрамонимиз шу соҳа бўйича олий маъ-лумот олган. Аммо муайян мuddат ишламаган. У Форш туманидаги 8-МТТ мудираси Муниса Холбековадир. Унинг таъкидлашича, Гулистон давлат университетининг мактабгача таълим йў-налишига ҳужжат топширганида яқинлари ҳай-



“Чекка қишлоқда МТТ очилишини ҳеч ким тасаввур қилмаган. Лекин ҳаёт ўзгарди. Сўнгги йиллардаги ўзгаришлар, таълим соҳасига қаратиляётган эътибор натижасида барча ҳудудларда боғча барпо этилди.

ратланиб: “Қишлоғингда боғча йўқ, кейин қаерда ишлайсан?” деб сўраган экан.

Дарҳақиқат, ўша вақтда чекка қишлоқда МТТ очилишини ҳеч ким тасаввур қилмаган. Лекин ҳаёт ўзгарди. Сўнгги йиллардаги ўзгаришлар, таълим соҳасига қаратиляётган эътибор натижа-сида барча ҳудудда боғча барпо этилди. Муниса Холбекова каби қўлбал ёшлар учун ишлаш имко-нияти яратилди.

— Ҳозир бу ерда 60 бола таълим-тарбия оляпти, — дейди қаҳрамонимиз Муниса Холбе-кова. — Ота-оналар, айниқса, қишлоғимиздаги учта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчилари жуда мамун. Улар болаларнинг мактабга ўқи-ё-ишини ўрганиб, кўника билан келаятгани-ни таъкидламоқда. Болалар нафақат ўқиш ёки ёзиш, балки тинглаш, гапириш, атроф-муҳитни

англаш кўникмаларини ҳам пухта ўзлашти-ряпти. Дастлаб ота-оналар ўрганмагани учун боласини боғчага беришга қизикмади. Боғча-га борган ва бормеган болаларнинг мактабда ажралиб қолгани, юриш-туриши, дарсларни ўзлаштиришдаги тафовутлар яққол кўриниб қолди. Қолаверса, боғчалар оналар учун катта имконият бўлди. Илгари қишлоғимиздаги кўп аёллар болага қараш ва уй юмушидан ортмас-ди. Ҳозир ишлаб, оиласига даромад келтиряпти. Иш ўрни масаласида ҳам яхши имконият туғил-ди. Қишлоғимиздаги ташландик ер ишга солин-ди. Ҳозир у ерда полиз, сабзавот маҳсулотлари етиштирилиб, хорижга экспорт қилиняпти. Шу орқали қўшни қишлоқлар аҳолиси ҳам иш билан таъминланди. Оналар боласини бизга ишониб, ўзлари хотиржам ишляпти.

Сарвар ТўРАЕВ (Сурхондарё вилояти):

— Фарҳод ака, боғча сабаб оналар им-конияти кенгайгани, ташландик жойда иш ўрни яратилгани ҳақида айтдингиз. Бунинг элимиз йўқдан йўндириш дейди. Ана шу йўқ жойдан имкон топишга Сур-хондарё мисолида бир-икки оғиз фикр айтсам. Масалан, “Ақлвой” автобуслари. Бу Сурхондарё сингари ҳудуди катта ва географик жойлашувига кўра тоғлар ва па-сттекичиликлардан иборат ҳудуд учун муҳим аҳамият касб этади. “Ақлвой” автобуси олис ҳудуддаги болаларни мак-табгача таълимга қамраб олишдаги ўзига хос усул дейиш мумкин.

— “Ақлвой” автобуслари боғчаси йўқ олис ҳудудларга бориб, болаларга бепул таълим-тарбия беришга мўлжал-ланган, — дейди Сурхондарё вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқар-маси бўлим бошлиғи Хосият Бобоқуло-ва. — Яқин кунларда Бандихон тумани-нинг Чинор ва Ўргилсой маҳаллалари болалари учун “Ақлвой” мобил МТТ фаолиятини бошлайди. “Isuzu” русу-мидаги автобус замонавий жиҳозланиб, хизмат кўрсатади. Мобил боғча нафақат ҳудуддаги болалар учун қўлай шaroит яратаяди, балки МТТ таълим сифатини янги bosқичга олиб чиқаяди.

“Ақлвой” автобуслари боғчанинг му-қобил туридир. У боғчалар қамровини оширишга хизмат қилади. Бу ташаббус Президентимизнинг 2021 йил 10 июнда-ги “Қамров даражаси паст бўлган туман-ларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшим-ча чора-тadbирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

Бугун воҳода жами 11 та “Ақлвой” автобусида 21 та мобил гуруҳ бор. Улар тоғли Олтинсой, Қумқўрғон, Бандихон, Денов ва Узун туманларида истиқомат қилаётган болажонларга хизмат қилияпти. “Ақлвой” автобуси куёш энергиясидан қувватланадиган совиткич, хожатхона ва ҳоказолар билан жиҳозланган, унда “Со-я театри” ҳам ташкил этилган.

— “Со-я театри” кўгирчоқ театри-нинг ўзига хос тури. Унда кўгирчоқлар эмас, балки шакллардан иборат ўйин-чоқлар ёки одамлар роль ўйнайди. То-



мошбинга экранда қаҳрамонларнинг сояси кўрсатилади, — дейди вилот Мактабгача ва мактаб таълими бош-қармаси бошлиғи биринчи ўринбосари Бекзоод Тошўлатов. — Шу орқали энг чекка ҳудудларда яшайдиган болажон-ларнинг тасаввурларини кенгайтириш, маънавий-маърифий ҳордиқ чиқариши-ни таъминлаямиз.

Очикча гаплашяётган эканмиз, бир жиҳатга эътибор берсак. Илгари бирин муаммонин хал этишдан кўра унинг имконсизлигини исботлашга кўпроқ уруғ бериларди. Бугун реал ислохотлар амалга ошириляпти. Бунинг “Ақлвой” мисолида ҳам кўриш мум-кин. Излаган имкон топар деб шунин айтишса керак. Масалан, бу қишлоқ-да бола кам, боғча қуриш ўзини оқ-ламайди деб масъулятини зиммадан соқит қилиш ҳам мумкин эди! Лекин янги Ўзбекистонда бундай бўлмайди. Чунки ҳаммага тенг имконият яра-тиш, инсон қадрини улуғлаш бош мақсад қилиб олинган. Маррани ба-ланд олиб, Унчинч Ренессанс сари дадил одимляётган мамлакатда айни йўл тутилиши табиий, назаримда. Зеро, чуқур илмий салоҳият ва юксак тафаккурга эга халқ ҳар қандай тў-сиқларни енгиб, баланд натижаларга эриша олади. Илм пойдевори эса боғ-чаларда қўйилади. Шу маънода, янги Ўзбекистоннинг мактабгача таълим ташкилотлари буюк мақсад йўлидаги машъалимиздир!

Сўхбатни Боборовшан ҒОЗИДИНОВ уюштирди.



Бошланиши 1-бетда

Мазкур соҳа ривожини, унда чиқарилаётган маҳсулотлар кўпайиши ўз-ўзидан электротехника ускуналари учун зарур бўладиган бошқа жиҳозлар қуввати ошишига ҳам хизмат қилади. Масалан, дунёда биргина электро-мобилларга талаб ортганидан унга зарур бўладиган деталлар, ускуналар, қолаверса, қувватлаш станциялари ишлаб чиқарувчи юзлаб корхоналар иш бошлаётгани бунинг исботи. Тармоқ ортдан микроэлектротехника, яъни кичик ҳажмдаги электрон ускуналар ишлаб чиқариш саноатини ривожланиб, янги бозор пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистонда ҳам бу жиҳат яққол кўзга ташланади. Яъни маҳаллийлаштириш иқтисодиёт ривожини асосий вазифалардан бирига айлانган. Аксар турдаги электротехника маҳсулотлари тўлиқ ўзимизда ишлаб чиқарилади. Ҳатто электромобил ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, унинг муайян физи маҳаллийлаштирилди. Шу турдаги авто-мобилларни қувватлаш станциялари ҳам фақат Хитойдан импорт қилинмаяпти, маҳаллий заводларимизда ишлаб чиқарилади. Маҳаллийлаштиришнинг афзаллиги эса нарҳага эмас, балки хизмат кўрсатиш сифати, ишлаб чиқариш қувватлари ошиши, аҳоли бандлигини таъминлаш каби кўплаб омилларда кузатилади.

Электротехника саноатини ривожланиши ортдан талаб ошиб бораётган деталлардан бири яримўтказгичлар саналади. Бунинг "чип"-лар деб ҳам аташади. Илмий манбаларда эса яримўтказгичлар электр токини яхши ўтказувчи моддалар ва электр токини амалда ўтказмайдиган моддалар орасидаги оралик вазиятни эгаллайдиган моддалар деб таърифланади. Аксарият "ақлли" технологияларнинг асосий ва муҳим қисмини яримўтказгичлар ташкил этади. Яъни ушбу кичиккина детал авто-мобил-созлик, электротехника жиҳозлари, маиший техника қўрилмаларининг "мия"си бўлиб, функционал жараёнларнинг бир маромда ишлашини таъминлайди.

Айниқса, автомобилсозлик саноатини яримўтказгичларсиз тасаввур қилиш қийин. Бунга пандемия даврида гувоҳ бўлдик. Аввалги пандемия ва локдаун даврида ишнинг тўхтатиб, чипларга буюртмаларини қисқартирган автомобил ишлаб чиқарувчи компаниялар кейинроқ ишлаб чиқаришдаги кечиктирилган сабаб яримўтказгичлар танқислигига дуч келди. Бундай кичик, аммо ўрнини алмаштириб бўлмайдиган детал етишмаслиги автомобил ишлаб чиқарувчилар учун жиддий оқибатларни юзага келтирди. Ҳатто дунёдаги энг йирик автомобилсозлик саноати вакилларининг аксарияти яримўтказгичларнинг танқислиги сабаб Осиё, Европа ва Шимолий Америкадаги заводлари фаолиятини тўхтатиб туришга мажбур бўлгани сир эмас.

Юқори технологик маҳсулотларимиз ҳам сифат, ҳам нарх жиҳатидан афзалликларга эга



Электрон қурилма ва гаджетлар ишлаб чиқарувчилар учун ҳам чиплар муҳим аҳамиятга эга. Умуман, замонавий дунёда инсон яримўтказгичлар орасида яшайпти, десак хато бўлмайди. Уларни компьютер, мобил телефон, "ақлли" соат, электромобил, маиший техника ва Ҳатто LED чирокларда ҳам учратиш мумкин. Яримўтказгичлар иқтисодиётнинг барча соҳаларига кенг кириб бориб, янги тармоқлар юзага келишига туртки бўлмоқда.

Тармоқ ривожини илмий тадқиқотларнинг роли

Юртимизда электротехника, автомобилсозлик саноатини ривожланиб бориши ортдан яримўтказгичларга талаб янада ошган. Аниқроғи, ушбу саноатни ривожлантириш зарурияти юзага келди. Маълумотларга кўра, ўтган йили мамлакатимизда 399 минг 327 та энгил автомобил, 3,6 мингта юк автомобил ишлаб чиқарилган ва бу кўрсаткич замонавий электромобилларни ҳам ўз ичига олади. Ушбу рақамларнинг ўзиёқ юртимизда яримўтказгичлар катта бозорга эга эканини кўрсатади.

Аммо мавжуд талабни эътиборга олганда, ҳозирча яримўтказгичлар ишлаб чиқариш эҳтиёжини тўла қопламайди. Шу боис, соҳани янада ривожлантириш ҳамда замонавий

Хитойда яримўтказгичлар соҳаси тараққиёти 2014 йилда интеграл схемалар саноатини ривожлантириш миллий инфратузилмаси дастури қабул қилингандан сўнг янги босқичга чиқди. Мазкур дастурни амалга ошириш бўйича Хитой давлат миқёсида иккита муҳим ҳужжатни қабул қилиб, 2014 йили миллий яримўтказгичлар саноатини ривожлантириш бўйича тавсиялар ва 2015 йили "Хитойда ишлаб чиқарилган — 2025" дастурини тасдиқлади.

яримўтказгичлар ва микросхемалар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан истиқболли ташаббуслар белгиланган. Хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, замонавий, жаҳон стандартларига мос инфратузилмани барпо этишга устувор аҳамият берилмоқда. Айниқса, Малайзия ва Корея Республикаси каби ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик кенгайган. Улар иштирокида истиқболли инвестицион лойиҳаларни яратиш, амалиётда жаҳон стандартларига мос микроэлектроника маҳсулотларини тайёрлашга йўналтириш имкониятларини баҳолаш, бозор талабига жавоб берадиган микросхемалар ишлаб чиқариш қувватларини аниқлаш чоралари кўри-лмоқда.

Дунё иқтисодиётида яримўтказгичлар саноати истиқболли ва юқори даромад


келтирувчи йўналишлардан бири саналади. Ўтган йили жаҳон миқёсида яримўтказгичлар савдоси тахминан 627 миллиард долларни ташкил этган. 2040 йилга бориб дунёда яримўтказгичлардан тушадиган даромад 1,7-2 триллион доллар, олинмаган фойда эса 600 миллиард долларгача бўлиши кутилмоқда.

Ҳозирги кунда яримўтказгичлар соҳасида жаҳон бозорини 20 дан ортиқ давлат етакчилик қилмоқда, шундан Осиё мамлакатлари, айниқса, салмоқли ўринга эга. Буларга Корея Республикаси, Тайвань, Япония, Хитой, Малайзияни қиритиш мумкин. Ушбу йўналишда ана шу давлатлар билан фаол ҳамкорликка киришяётганимиз боиси шунда.

Масалан, дунёда микросхемаларни йиғиш, синовдан ўтказиш ва қадоқлаш операцияларининг 13 фоизи Малайзия ҳисса-

юқори технологик товарлар улуши ортиб бориб, мазкур тоифадаги товарлар қаторида электромобиллар, 3D принтерлар ва саноат роботлари салмоғи ошмоқда. Бу даврда Хитой бозорини яримўтказгичлар ҳажми 186,5 миллиард долларга етиб, жаҳон бозори ҳажмининг 30 фоизини ташкил этди.

Хитойда яримўтказгичлар соҳаси тараққиёти 2014 йилда интеграл схемалар саноатини ривожлантириш миллий инфратузилмаси дастури қабул қилингандан сўнг янги босқичга чиқди. Мазкур дастурни амалга ошириш бўйича Хитой давлат миқёсида иккита муҳим ҳужжатни қабул қилиб, 2014 йили миллий яримўтказгичлар саноатини ривожлантириш бўйича тавсиялар ва 2015 йили "Хитойда ишлаб чиқарилган — 2025" дасту-рини тасдиқлади.



сига тўғри келади. Ҳозир Малайзия жаҳон яримўтказгичлар бозорининг қарийб 7 фоизини эгалламоқда. Ушбу давлат стратегик инвестициялар ҳамда микроципларни лойиҳалашдаги ютуқлар орқали 2029 йилга келиб яримўтказгичлар бозоринида улушини икки баравар оширган ҳолда 14 фоизга етказишни мақсад қилган.

Бу йўналиш Хитойда ҳам энг катта тармоқлардан бири саналади. Ўтган йили ялпи ички маҳсулот ҳажми 18,4 триллион долларни ташкил этган ушбу мамлакат экспортини

Ҳозирги кунда Хитой яримўтказгичлар саноатини даврага айлантиришга қаратилган илғор давлатга айлана олди. Булар — интеграл схемаларни дизайнлаш, яримўтказгичлар ишлаб чиқариш ҳамда яримўтказгичлар асосида хотира чипларини қадоқлаш ва синовдан ўтказишдан иборат. Мамлакатда яримўтказгичлар саноатини фаолият юритаётган корхоналар сони 16,7 мингтадан ортиб кетган. 2024 йилда Хитой яримўтказгичлар саноатини 160 миллиард доллар миқдоринида микросхемаларни

экспорт қилишга эришди. Ҳозир замонавий технологиялар ва жаҳон андозлари асосида микросхемаларни лойиҳалашни амалга ошира оладиган корхоналар сони қарийб 3,5 мингтадан ортиб кетган.

Гарчи Хитой яримўтказгичлар саноатини даврага айлантиришга қаратилган илғор давлатга айлана олди. Булар — интеграл схемаларни дизайнлаш, яримўтказгичлар ишлаб чиқариш ҳамда яримўтказгичлар асосида хотира чипларини қадоқлаш ва синовдан ўтказишдан иборат. Мамлакатда яримўтказгичлар саноатини фаолият юритаётган корхоналар сони 16,7 мингтадан ортиб кетган. 2024 йилда Хитой яримўтказгичлар саноатини 160 миллиард доллар миқдоринида микросхемаларни

Ўзбекистонда ҳам аини жиҳатга катта эътибор қаратилмоқда. Яримўтказгичлар ишлаб чиқариш соҳасида илмий тадқиқот ишларини жадаллаштириш ва бунга нуфузли илмий марказ ва тадқиқот муассасаларини жалб этиш, жумладан, хорижий мутахассис ва олимларни олиб келиш устувор вазифалар қаторида қўйилган. Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти, Физика-техника институти, Тошкент давлат техника университети каби илмий ва тадқиқот муассасалари салоҳияти айнан яримўтказгичлар бўйича янги тадқиқот ва ишланмаларни олиб боришга қаратилган.

Ҳозир мазкур муассасалар томонидан микроэлектроника соҳасида янги ишланмаларни яратишга қаратилган тадқиқотларни хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб бориш йўлга қўйилмоқда. Бу борада юртимиз олим ва тадқиқотчилари яримўтказгичлар саноати тез ривожланаётган Малайзия, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон каби давлатларнинг илмий-тадқиқот муассасалари ва ақл марказлари билан қўшма лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирмоқда.

Ғофуржон УСМОНОВ,
Сардор АБЗАМОВ,
Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Бизнес ва
тадбиркорлик олий мақтаби
масъул ходимлари



Экология

ҚИЗИЛҚУМНИНГ ЯШИРИН ХАЗИНАСИ

ЁХУД ЧЎЛДАГИ “ҲАЁТ ИЛДИЗИ”

Юртимиз табиати бағрида улкан синаотлар яширин. Унинг чўлларини қадим тоғларидан тортиб, мусавво дарёлар ва сўлим водийларигача бебаҳо бойликларга тўла. Улардаги неъматларнинг аксари ҳали тўлиқ кашф этилмаган. Қизилқум кенгликлари ана шундай манзиллардан биридир.

Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган Қизилқум чўли қарийб 300 минг квадрат километр майдонга эга. Чўл бағрида ноёб ва шиғирбохш ўсимликлар ўсади. Шулардан бири шумғия ёки илмий адабиётларда цистанхе номи билан танилган ўсимликдир.

Манбаларга кўра, у одамгидеҳ (женьшен)дан беш баробар кучли шиғирбохш хусусиятга эга. Шумғия аслида бошқа ўсимликлар илдизидан озикланувчи паразит ўсимлик бўлса-да, туганаклари минг дардга даво. Шарқ тиббиётида неча асрлардан бери қўлланилади. Хусусан, Хитой, Япония ва Россияда ундан юзлаб турдаги дори тайёрланади. Ушбу мамлакатлар уни "Қизил китоб"га ҳам киритган. Қизилқумда уни одатда "чўлдаги ҳаёт илдири" деб атайдилар.

Шумғия организмни озиклантиради, асаб тизимини тинчлантиради, хотирани мустаҳкамлайди, иммунитетини оширади. Айни пайтда унинг антиоксидант, яллиғланишга қарши, юмшатувчи ва ўсма-ларга қарши хусусиятлари ҳам тиббиётда эътироф этилган.

Мана шу ноёб ўсимликни излаб, Бухоро вилоятининг Жондор туманига йўл олдиқ. Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Бухоро илмий тажриба станцияси директори Низом Қаҳҳоров экспедицияга раҳбар-

лик қилди. Унинг таъкидлашча, айнан Жондор ҳудудидан чўлга кириш орқали шумғия топиш имкони юқори бўлади.

Чўл бизни ўзига ҳос жазираси билан қарши олди. Юзага қуруқ, иссиқ шамол уради. Транспортида чўл ичига бир неча километр кириб бортда, экспедиция аъзолари саёхатини пийда давом эттирди. Атроф саксовулзор. Агар йўлни билмасангиз, адашшингиз ҳеч гап эмас. Ниҳоят чўл бағрида санокли бўлса-да, шумғия учрага бошладиқ. Аммо бу ўсимликнинг ҳаммаси ҳам мўъжизавий дориворлик хусусиятига эга эмас. Билдикли, доривор ўсимликни аниқлашнинг ўзига ҳос сирин бор. Яъни айнан саксовул илдизи остида ўсган ва ундан озикланган шумғиягина ноёб хусусиятга эга.

Йўлда давом этиб, шу ўсимликни кўпайтириш мақсадида ташкил этилган тадқиқот майдонига етиб бордик. Бу ерда саксовулларга белгилар боғланган, чунки шумғия уруғи айнан шу дархат илдизи яқинида ўсади. У 3-4 йил давомида шаклланади ва ҳар 5-10 қадамда саксовул остидан битта шумғия ўсиши кутилимоқда.

Дарвоқе, ушбу экспедиция олдидан мазкур ўсимлик бўйича қатор лойиҳаларга раҳбарлик қилган Ўзбекистон Экологик партияси Марказий кенгаши раиси Абдушукур Ҳамзаев билан боғландик. Унинг маълум қилишича, 2021

йилдаёқ Япониянинг "ОУО" компанияси вакиллари билан Бухоро вилояти ҳудудида доривор шумғия ўстириш ва Охангрон ўрмон хўжалиғида инкубатор блокларда кўчат етиштириш технологияларини жорий этиш бўйича ҳамкорликда лойиҳаларни амалга оширишга келишилган. Бугунги кунда тадқиқотлар давом этмоқда. Хусусан, Жондор туманидаги станцияда ҳам изланишлар олиб боришмоқда.

— Бу ерда бир неча усудда ва турли чуқурликда экилган шумғия устиди тажрибалар ўтказилляпти, — дейди станция раҳбари Низом Қаҳҳоров. — Ушбу доривор ўсимликнинг қандай шаронда тез ва сифатли ўсишини аниқлаш мақсад қилганимиз. Агар тажриба мубаффақиятлик кечса, шумғия асосида маҳаллий дори ишлаб чиқариш имкони яратилади. Бу нафақат мамлакатимиз, балки халқаро тиббиёт ривожига ҳам хизмат қилади.

Бу ердаги кўп ўсимликлар уч йил аввал экилган. Уларнинг ҳолати кузатиб бориляпти ва натижага ижобий бўлса, чўл зоналарига махсус шумғия фермалари ташкил этилиши мумкин.

Шумғия асосида тайёрланган препаратларнинг бозор нархлари билан илдизи яқинида, унинг айрим турлари ҳатто одамгидеҳдан ҳам қimmat сотилиши ҳақидаги маълумотларга дуч келдик. Бу эса табиат хазинаси фақат шиғо эмас, балки иқтисодий фойда манбаи ҳам эканидан далолат беради.

Анвар МУСТАФОҚУЛОВ,
журналист

ТАДБИРКОРЛИК ОИЛАДАН, МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Француз адаби Гектор Малонинг "Оиламиз" деган кичкина ҳикояси бор. Унда Реми исмли йигит ва унинг камбағал оиласи — онаси, отаси ва бир сигири ҳақида ҳикоя қилинади. Сигир уларга худди оила аъзосидек қадрдон бўлиб қолган. Ҳар куни эрталаб сигирни соғиб, сутини ичишади, қолганидан сариеғ тайёрлашади. Хуллас, оиланинг тирикчилиги бутунлай шу сигирга боғланиб қолган.

Оиладан ота касал бўлиб қолган, уни даволатиш учун сигирни сотишга мажбур бўлишади. Энди уларнинг уйида на сут, на сариеғ бор. Шундай қилиб, оилани яна камбағаллик ўз домига тортади...

Мана шу жамғи ҳикояда оила иқтисодиётининг моҳиятини очиб берадиган катта бир фалсафа бор. Чунки Ремилар оиласи бир мезгелга тушган тутумнинг қурбони бўлади. Харажат ва даромад, тирикчилик бутунлай ситирдан соғиб олинмаган сут устига қўйилган.

Мутахассислар иқтисодий тарбияни, аввало, оиладан бошлаш керак дейишади. Бу бор гап. Ремилар оиласининг ҳам қўшимча бирор-бир даромади йўқ эди. Шунинг учун ситирнинг сотилиши оилга жуда қимматга тушади.

Хўш, оила нима ўзи? У иқтисодий юқсалишда қандай кучга эга?

Аслида, оила жамиятнинг қон томири ҳисобланади. Оилаларнинг турмуш тарзи ва тутуми мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш босқичини белгилаб беради. Бошқача айтганда, тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб-китоб каби хислатларга оиладан тамал тоши қўйилади.

Бугунги кунда юртимизда маҳалла, хусусан, оиладан тадбиркорлигини йўлга қўйишга ва ривожлантиришга жиддий эътибор берилмоқда. Ўтган йилнинг 16 декабрь куни давлатимиз раҳбари ранслигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғили-



Бандлик

шида банклар иштирокида маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадли қилиш чора-тадбирлари бўйича топширилган берилган эди. Шундан келиб чиқиб, 2025 йилда жами 5 миллион 200 минг нафар, жумладан, банклар томонидан 3 миллиондан зиёд аҳолини банд қилиш режалаштирилган.

Маҳалла банкилари маҳалланинг бизнес имкониятларини ўрганади, одамлар билан гаплашиб, уларнинг гоҳларини лойиҳаларга айлантиради. Аҳолининг кредит олиш, қайтариш, бизнес очиш, маҳсулотини сотишга ўргатади, лойиҳаларга ҳамроҳлик қилади.

Хуллас, ушбу янги иқтисодий механизм аҳоли учун ҳам, банклар учун ҳам бирдек манфаат келтиради. Ҳар бир оиладан тадбиркорлигини йўлга қўйиш эса ўша оила аъзоларининг иш билан бандлиги ва фаровонлигини таъминлайди. Бу тизим охири-оқибат оилавий тадбиркорлигининг ривожланиши орқали кўплаб иқтисодий-иқтисодий муаммоларга ечим топилишига олиб келади.

Дунёдаги тараққий этган давлатлар тажрибаси шунини кўрсатмоқда, қайси давлатда оилавий тадбиркорлик яхши ривожланса, шу давлат иқтисодиёти ҳам юқсалиб бораверади. Масалан, Хитойда оилавий тадбиркорлик шу даражада ривожланганки, деярли ҳар бир оиладан қандайдир товар ишлаб чиқарилади. Оила хўжалиги фаровонлигини ошириш ва мамлакатнинг қудратини

юқсалтириш йўлларида бири оила хўжалиғида ташкил қилинган тадбиркорликдир.

Қайд этиш жоизки, бугун оилавий тадбиркорлигининг аҳамияти янада ошмоқда. Чунки мамлакатимизда камбағалликни тугатишда, аҳолини иш билан таъминлашда, фаровонлигини оширишда ушбу тадбиркорлигининг аҳамияти беқийс. Шу туфайли соҳани ривожлантиришга қўшимча маблағлар ажратиб, уни кескин яхшилаш вазифаси қўйилди. Бунда банклар фаол иштирок этмоқда.

Масалан, "Туронбанк" АТБда ҳам аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаш, доимий иш билан банд қилиш ва тадбиркорликка жалб этиш бўйича ишлар фаол олиб бориляпти. Аниқроқ қилиб айтганда, асосий мақсад аҳоли орасида молиявий саводхонлигини ошириш, фуқароларни тадбиркорликка қизиқтириш, ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлашдир.

Бу бўйича Сайхунбод, Ўйчи, Зарбдор тажрибалари намуна қилиб олинган. Ушбу тажрибалар асосида аҳолининг билимини ошириб, уларга имтиёзли кредитлар бериш орқали ўз тадбиркорлик фаолиятларини бошлашига қўмаклашляпти.

2025 йилда банк ташаббуси билан беш нафар фуқарога дала дўкони, қандолат дўкони ва новвойхона куриб берилади. Ҳозирги кунда бу дўконлар самарали фаолият олиб бормоқда ва етти нафар фуқаро иш билан таъминланди. Икки нафар фуқаро "Маҳалла еттилик" билан биргаликда тиббиёт муассасасига ҳамшира лавозимига ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, иқтисодий ходим ва ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда ногиронлиги бўлган фуқаро "Электрон ҳисоблагич TRAD" МЧЖга сотув ишлари менежери лавозимига ишга жойлаштирилди.

Ҳозир янги лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда, яъни уйда ўтирган ёш болалар аёлларга тадбиркорлар билан келишган ҳолда маҳсулотларини уйда туриб қадоқлашни ташкил этиш масалалари ўрганиляпти.

Президентимиз нутқларининг бирида "Маҳаллалар — давлатимизнинг энг катта заминидир", деган эди. Ҳақиқатан, маҳалла — юрт юраги, халқ билан мамлакат ўртасидаги ишонч кўприги сифатида хизмат қиладиган, инсонни жамиятнинг бир қисми бўлишга ўргатадиган, уни бағрикенглик ва халқпарварлик руҳида тарбиялайдиган макон.

Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессансга пойдевор қўйилаётган экан, унинг асосий механизми бўлган оила иқтисодиёти янги давр учун пиланишга вазифасини ўтайди. "Ватан оёнастанда бошлади" дейишади. Унинг иқтисодий ва маънавий ривожланиши ҳам ота-онанинг фарзандларига берган тарбиясига боғлиқ. Оила иқтисодиёти да маънавияти янги даврининг муҳим устуниларидан биридир.

Фаридун ЭГАМШУКУРОВ,
"Туронбанк" АТБ бош мутахассиси

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Тиббиёт туризми — жакон туризм саноатининг етакчи йўналишларидан бири. Дунёда сифатли ва арзон тиббий хизматга эҳтиёж тобора ортиб борапти. Сўнгги пайтларда Ўзбекистон ҳам рақобатбардош нархлари, замон талабига мос клиникалари, тиббий муолажалар сифати, юқори малакали мутахассислари билан сайёҳлар учун жозибадор манзилга айланмоқда.

Туризм қўмитаси маълумотларига кўра, 2024 йилда Ўзбекистонга даволаниш мақсадида 110 мингга яқин хорижлик сайёҳ келган ва тиббий туризм экспорти 174 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2023 йилдагидан 40 фоиз ортган.

Бугунги кунда тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида келаётган хорижликлар

клиникалари томонидан турли тиббий муолажалар таклиф этиляпти. Хизматлар доираси кенг: стоматология, пластик жаррохлик, кардиология, ортопедия, реабилитация, тўлиқ тиббий текширувлар, лаборатория таҳлиллари ва визуал диагностика...

— Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказига 2024 йилда хорижийнинг



нинг 80 фоизи қўшни давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Хусусан, Термиздаги Айритом чегара постига туташ ҳудудда ташкил этилган замонавий тиббиёт мажмуасида Афғонистон ва Тожикистон фуқаролари даволанмоқда. Сайёҳларнинг асосий қисми оғир турдаги жароҳлик амалиётлари, кардиология, урология, қанди диабет ва бошқа турдаги касалликлардан даволаниш мақсадида юртимизга келмоқда.

Сайёҳларни қабул қиладиган республика тиббиёт марказлари, хусусий тиббиёт муассасалари, илмий текшириш институтлари

2824 фуқароси шифо истаб келган бўлса, жорий йилнинг беш ойида 1196 хорижлик бемор марказга муружат қилди, — дейди марказ директори ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори Файзулла Умаров. — Бундан-да юқори кўрсаткичларни қамраб олишга салоҳиятимиз етади. Айни пайтда тиббий туризмин ривожлантиришга бағишланган халқаро ва республика кўргазмаларида фаол иштирок этиб, юқори технологик операциялар, бўлимлари жиҳозлаш ҳамда диагностика, реабилитация имкониятларини намойиш этияпмиз.

Беморларнинг аксарияти Марказий Осиё давлатларидан келади, бу эса бизда травматология ва ортопедия хизмати юқори даражада эканини кўрсатади.

— Қозоғистоннинг Чимкент шаҳридан келдим, — дейди Дилноза Рўзметова. — Йилки йил олдин оёғимдан жароҳат олгандим. Ўшанда гипс қилдирмаганман. Шу-шу оғриб юрди. Ўшбу тиббиёт маркази ҳақида эшитгандим. Муружат қилганимда плоскостопия ва бугун ёпишиши ташхисини қўйишди. Юқори малакали шифокорларнинг тўғри ва аниқ ташхиси, маслаҳати, яратилган шарт-шароитларни кўриб, шу ерда операция қилдиришни маъқул топдим. Жаррохлик амалиёти муваффақиятли ўтди, ҳозир аҳволим яхши.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Саёхат қизқиклари саргузаштларни ўз ичига олса-да, айрим ҳолларда саломатлик билан боғлиқ муаммоларга дуч келишни ҳам истисно қилиб бўлмайди. Зарур тиббий ёрдам тез ва сифатли кўрсатилиши сайёҳларнинг мамлакатга ишончини оширади. Марказда ана шу жиҳатларга эътибор қаратилган.

— Бу йўналишда кўрсатилган малакали хизмат нафақат саломатлигини яхшилади, балки мамлакатнинг туристик нуфузини ҳам юқори даражага олиб чиқади, — дейди Файзулла Умаров.

“Авиценна” тарғибот бренди

Коронавирус пандемияси инсонлар соғлиғида изини қолдирганини инкор эта олмаймиз. Қўлаверса, экологик ва бошқа сабаблар туфайли юзага келаётган янги касалликлар тиббий хизматларга эҳтиёжни оширмоқда. Бу эса хизматлар сифатини янада яхшилаш, соҳага энг илгор тажрибаларни татбиқ этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 23 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий ва соғломлаштириш туризмининг янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига “Тиббий хизматлар меҳмондўстлиги” (“Medical service hospitality”) дастурини амалга ошириш кўзда тутилган. Қарорга кўра, “Авиценна” номи остида Ўзбекистоннинг тиббий ва соғломлаштириш туризми бренди ишлаб чиқилиб, хорижий мамлакатларда тарғибот компаниялари



йўлга қўйилаётди. Бу бренд доирасида санаторий ва клиникалар фаолияти мониторинг қилинмоқда.

Айни пайтда тоифали (юлдузли) меҳмонхоналар типидagi санаторийларга “беш юлдуз” тоифаси бериляпти. Мисол учун, Тошкент вилоятида жойлашган “Tashthermal”, “Тошминералсув” санаторийлари шулар жумласидан.

Халқаро ҳамкорлик муҳим

Халқаро рақобатбардошликни ошириш, тиббиёт туризми бўйича умумий дастур ва стратегияларни биргаликда ишлаб чиқиш ташкилотлар ўртасида мустақкам интеграция ва мулоқотни талаб қилади. Давлат, хусусий сектор, халқаро ҳамкорлар, илмий жамоалар бирлашиб ишласа, тиббиёт туризми сектори ривожланиб, катта иқтисодий ва ижтимоий фойда келтиради. Ана шу мақсадда 2024 йил декабрь ойида мазкур йўналишда фаолият юритувчи 16 та тадбиркорлик субъекти иштирокида Беларусунинг йирик тиббиёт ва санатор-курорт объектиларига инфотур ташкил этилди.

2025 йил февраль ойида Словакия билан ҳамкорлик ишлари бошланди. Словакиянинг “Бойнице”, “Нимница”, “Штос” каби курорт зоналари ҳамда “Словенский рай”, “Пиеанат”, “Полонини” каби миллий боғларида ташкил этилган соғломлаштириш йўналишида тажриба алмашилмоқда. Шу мақсадда икки давлат туристик ташкилотлари ҳамкорликда

ишлаб, юртимизга сайёҳлар фаол жалб қилиниши режалаштирилган.

— Сайёҳлар юртимиздаги мавжуд тиббиёт ва соғломлаштириш муассасалари ҳақида тезкор маълумотга эга бўлиши учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ўзбек, рус ва инглиз тилларида тиббиёт ҳамда



соғломлаштириш муассасалари ягона реестри шакллантирилди. Шу реестрга киритилган тиббиёт масканлари хизматлари сайёҳлар фирқлари асосида баҳолаб борилмоқда.

Тиббиёт муассасалари, санаторий, пансионатлар ва тиббий туризм йўналишида хизмат кўрсатувчи туроператорлар хизматлари сифатини баҳолаб берувчи электрон платформа ишлаб чиқилди ва синов тарикасида ишга туширилди.

Ўзга юртга йўл олаётган сайёҳ, аввало, интернетдан ўша мамлакат ҳақида маълумот

излайди. Хорижий аудиториянинг мамлакат тақдим этаётган имкониятлардан хабардорлик даражасини ошириш жуда муҳим.

— Шу йил Мадрид, Лион, Нью-Йорк, Деҳли, Будапешт, Берлин, Москва, Минск, Дубай, Гуанчжоу шаҳарларида ўтказилган халқаро туризм кўргазма ва ярмаркаларида мамлакатимизнинг туризм салоҳияти, жумладан, тиббий туризм имкониятлари тарғиб қилинди, — дейди Туризм қўмитаси масъул ходими Достон Мўминжонов. — Россиянинг “Первый канал” телеканалда Бухорода тиббий туризм соҳасидаги ишлар кўрсатиб берилди. Буюк Британиянинг “London post” янгилликлар порталида эса Сурхондарё вилоятининг Сангардак шаршараси ва Омонхона қишлоғига бағишланган мақола эълон қилинди.

Қилиниши зарур бўлган ишлар кўп

Тиббиёт туризми ривожини бошқа соҳалар тараққиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Яъни даволаниш учун келган сайёҳ мамлакатда муайян вақт қолади, бу эса меҳмонхона хизматлари, рестороанларга талабни рағбатлантиради. Сайёҳлар даволаниш билан бирга қизқиклари экскурсия дастурларидан баҳраманд бўлиши, Ўзбекистоннинг бой маданий ва тарихий мероси билан танишиши шубҳасиз.

Хусусий сектор йўналишини фаоллаштиришда муҳим ўрин тутаяпти. Тиббий туризм инфратузилмаси кенгаймоқда.

— Аммо олдинда қилиниши керак бўлган ишлар ҳам кўп, — дейди Достон Мўминжонов. — Мамлакатда хорижлик беморларни қабул қилиш билан боғлиқ хизматлар сифатини ошириш, жумладан, кўп тилли хизматларни жорий этиш, транспорт инфратузилмасини яхшилаш ва сайёҳлар учун қўшимча имтиёзлар яратиш зарур.

Ўзбекистонда тиббий туризм истиқболли ва жадал ривожланаётган соҳа, у нафақат



мамлакат иқтисодий ўсишига ҳисса қўшади, балки халқаро майдондаги имижини ижобий шакллантиради.

Даволанишни маданий танишув билан бирлаштирган комплекс таклифлар хорижлик беморлар учун жозибадорлик касб этиши шубҳасиз. Мамлакатимизда бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Дунёда жадал ривожланаётган ўшбу соҳада кучли позицияни эгаллаш нафақат иқтисодий ўсишга, балки аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини сезиларли даражада яхшилашга ҳам хизмат қилади.

Битта қизини ўқитсак, бутун оилани ўқитган бўламиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ибрат

Бир танишим кўнғирок қилиб, кенжа ўғлига тўй учун ҳамма нарса, алоҳида уй ҳам тайёр-у, рисоладаги келин топилаётганини айтиб қолди. Қишлоқдаги бўй этган қизи бор бирорта хонадон қолмабди. Қизларнинг бари олийгоҳда ўқиётган, аксари 1-2-босқич талабалари, биттираётганларини эса аллақачон унаштириб қўйишгаётган экан. Ота-оналарнинг деярли ҳаммаси “Қизимизни ўқитамиз, қачонки олийгоҳни тамомлайди, кейин тўй”, деган жавобни берибди. Тўғриси, роса хурсанд бўлдим. Негаки биз талабалик кезларимиз “Шахарда ўқиган қизлар бўлмайди, ундан кўра ўқимаган қизларни келин қилиш керак” деган тушунча кенг ёйилганди. Шунинг учунми, танишим хафа бўлади деб ўтирмай, келин топишга қийналсак ҳам майли, қизларимизнинг кадрни ҳамиша баланд бўлаверсин, дедим.

Шу каби оналар Зангиота туманида ўтган Қизлар форумига ўхшаган тадбирларга келиб қолса борми! Туманнинг энг билимдон, энг оқила, бир сўз билан айтганда, сара ўқувчи қизлари жамланган тадбирга уларнинг оналари ҳам таклиф этилди. Зеро, шундайин қиз тарбиялаганидан гурурга тўлишининг завқини ҳеч нарсага тенглаб бўлмаса керак.

Форумнинг аҳамияти ҳақида ёзаётиб этиборимизни тортган икки ҳолатга тўхталиб ўтсак. Бири Тошкент вилоятидан, бири наманганлик бўлган икки тадбиркор қизнинг муваффақияти бизни янада руҳлантириб юборди. Нима бўлсин, ҳозир ишбилармон қизлар талай-ку, дегирси. Тўғри, бугун мактаб партасида ўтириб, тадбиркорга айланаётган қизлар кўп. Бироқ наманганлик Диёра Эркинбоева

бу борада анча машаққатли йўлни танлагани ажабланирли. Шу йил 11-синфини тамомлаган бу қизнинг 20 дан ортиқ оти — от фермаси бор. Отга отаси сабаб меҳр қўйган Диёра 10 йилдан буюн жониворларнинг ўзига хошлиги ва уларни парвардилаш сирларини ўрганиб келади. Ёш тадбиркор сифатида қатор ютуқларга ҳам эришмоқда. Йилқичиликни кенг ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ва ёшлар тадбиркорлигини омалаштиришни мақсад қилган битирувчи қиз ойига 50 миллион сўм даромад топаётгани ҳақиқат. Ахалтақа ва қорабайирдек зотдор отлари нафақат мамлакатимизда, балки Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон каби қўшни давлатлар бозорига ҳам харидорғир. Отларнинг 15 минг долларгача баҳоланганлари бор.

Ўзида жасорат, матонат, кучли иродани шакллантира олган Диёра танлаган касби билан фахрланади. Худди унингдек болаликдан уинда ипак куртини кўриб улгайган пискентлик Нафосат Маммирова эса ипак куртлари инкубацияси, уларнинг янги-янги навларини кашф этишга қизикади. Бу қизқичини уни Тошкент давлат аграр университетининг ипакчилик ва тўтчилик факультетига етаклади. Ўқиш баробарида уйда курт боқиб, касаначиликни йўлга қўйган Нафосат оилавий бюджетга ҳисса қўшаётганидан бахтиёр. Насиб қилса, келаси йил — охириг босқичда ўз соҳаси бўйича Хитойда малака ошириб келиш ниятида.

Бири бўлгуси пиллакор, бири йилқибқар бўлган бу қизларга чиндан ҳавас қилдик. Улар ҳам жамиятимизда хотин-қизларга қаратилаётган алоҳида эътибордан куч олапти. Имкониятлар, имтиёзлар қамбас ўз олдида катта-катта максадларни қўймоқда. Албатта, бу максадларига эриша олишга қўзи етгяпти. Чунки фаол тадбиркор, зиёли аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишига айланганини

ҲАФСАЛА ВА ВАҚТИМИЗНИ ҚИЗГАНМАЙЛИК

Шунда бўлгуси лидер аёлларни барвақт кашф қилишимиз мумкин



улар яхши билади. Мана шундай қизлар, насиб қилса, бўлгуси лидер аёллар тоифасидан экани билан кўнглига кўтаринкилик улашади.

— Асосий мақсадимиз — иқтисодли, ташаббускор ва фаол қизларни аниқлаш, салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, келажақдаги орзу-интилишларини рўёбга чиқаришда далда бўлиш. Зеро, бундай хайрли ишларга давлатимиз раҳбарининг ўзи раҳнамолик қилиб турибди, — дейди Зангиота тумани ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Саодат Усмонова. — Президентимиз шу йил Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан йўллаган табригда хотин-қизларга эътибор янада кучайтирилишини айтиб, “Қизларимиз бўндёкор авлод бўлиб майдонга чиқиши учун келгусида уларга қўшимча шароитлар яратиб берамиз”,

деди. Табриқда, шунингдек, “Ёрқин келажақ” лойиҳаси доирасида камида 200 нафар қиз қар йили дунёнинг нуфузли олийгоҳларига ўқишга юборилиши ҳақида сўз боради. Шу йил 30 июнь куни ёшлар билан учрашувда эса давлатимиз раҳбари камида 50 минг қиз “Рақамли авлод қизлари” лойиҳаси билан қамраб олинишини айтди. Буларнинг барчаси аёлларга имконият эшикларини очади.

Ўзбек аёлларининг жамиятдаги ўрни, бугунги кенг имкониятлардан фойдаланиб, лидерлик даражасида фаолият юритаётган аёллар ҳақидаги видеооркли орқали уларни янада руҳлантиришга ҳаракат қилдик. Тадбирга оналарни ҳам таклиф этдикки, бу улар учун ўзига хос бир рағбат, ибрат бўлсин. Зеро, бир оилада 2-3 қиз тарбия қилаётган оналар бор. Бу каби тадбирлар энди уларнинг

қизлар таълими, тарбиясига жиддий ёндашишда муҳим омил бўлади.

Тадбирда “Саодат” журнали бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, танқиди шоира ва журналист Мунаввара Усмонова бугунги ёш авлод, хусусан, қизларнинг жамиятдаги ўрни ва улар учун яратилаётган имкониятлар ҳақида сўз юритиб, иштирокчиларга ўз тилакларини билдирди. Форум доирасида намоен бўлаётган иқтидор, ишонч ва қатъият ёшларимизнинг келажақка бўлган мустақкам қадамларидан далолат эканини таъкидлади.

— Жуда ажойиб анжуман бўлди. Мактаб битирувчилари бўлган алочи қизларимиз, дунёга ўнг кўз билан қарайдиган, дадил қадам билан бораётган, замон билан ҳамнафас яшаётган ёшларимиз билан учрашдик, — дейди М.Усмонова. — Ҳар бир ўқувчининг қалбиде дунёча орзулари, ҳаваслари бор. Қизлар ва оналари билан суҳбатлашган пайтим хотин-қизлар журнали раҳбари, бир ижодкор сифатида улар кўзгаётган мақсадлар, таялаган йўллари мени тўқинлантирди. Қизларнинг аксарияти миллий сертификатларни кўлга киритган. Мен ўқитувчи бўлман, мен шифокор бўлман, мен ҳуқуқшунос бўлман, мен онамга ўхшаган тадбиркор бўлман деган ёшларимизни кўрдим. Қизлардан бири “Онамнинг бир оз ногиронлиги бор, лекин mening иккала қўлим соппа-соғ, оёқларим дадил қадам ташлайди. Мен онамнинг армонларини рўёбга чиқариб, укаларимга, сингилларимга бош бўлмоқчиман”, деди. Бир сўз билан айтганда, бутуннинг ёшлари, бугуннинг қизлари бошқача. Юрағида ватан ишқи уриб турган мана шундай фарзандларини улғайтирган оталарга, оналарга, таълим берган устозларига раҳмат!

Форум доирасида ўқиш, спорт, санъат ва бошқа йўналишларда ютуқларга эришган қизлар алоҳида эътироф этилиб, муносиб тақдирланди.

Ҳа, бу сизнинг фарзандингиз деган гўзал жавобни эшитишни қайси ота-она хоҳламайди?! Ота-онам ўқишга қиришми рози бўлармики, бу касбини танласам, нима деркан деб юрган қизларимиз ҳам йўқ эмас. Уларни қизқишларига қараб йўналтира олсак, керакли жойда таянч бўлсак, жамиятга бугун от боқиб даромад кўраётган Диёраю пиллакор Нафосат каби кучли, қатъиятли қизларни, эртага эса лидер аёлларни улғайтириб берамиз.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан жорий йилнинг 2-4 июль кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 17-саммитида иштирок этди. Бир ижодкор сифатида матбуот ва интернет нашрлари, ойнаи жаҳон орқали ушбу таширф тафсилотлари билан танишдим. Мамлакатимизнинг халқаро обрў-эътибори тобора юксалиб бораётганидан кўнгилмда фахр ҳисси туйдим...

Сир эмас, дунё қалқиб турибди. Арзи-маган бир баҳона сабаб давлатлар бир-бирига қарши қурол ўқталмоқда, бомбалар ёғдирмоқда. Жабрини эса оддий инсонлар тортаётир. Шундай пайтда Президентимизнинг тинчликни асраш, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш, маданий-маънавий алмашину-ларни амалга ошириш йўлида олиб бораётган сиёсати бошқаларга ҳам ибрат бўлиши керак деб ўйлайман.

Тинчлик ва соғлиқ бўлса, ҳамма нарса ярашади. Байрамлар ҳам, сайру саёҳатлар ҳам. Мен яқинда Озарбайжонда бўлдим. Бундан олдин ҳам бу ўлкага турли хайрли сабаб-ларга кўра борганман.

Дастлаб Шушада “Туркий дунё ёш шoir-лар мушоираси”нинг очилишда бир-бирок этгандим. Кейин бир гуруҳ нуфузли адабиёт ва санъат намоёндалари билан юз жилдан иборат “Туркий адабиёт дурдоналари” китоби тақдимотида қатнашгандим. Очиги, ўшанда озарбайжон халқининг сеvimли фарзанди Анар муаллим “Биз ҳам ўзбек ижодкорларидан ўрнак олиб, юз жилдан иборат “Туркий адабиёт дурдоналари”ни озарбайжон тилида нашр этамиз”, деди. Ут-ган йилнинг охирида “Шавкат Мирзиёев фе-номени” китоби тақдимоти доирасида бир гуруҳ устозлар ва ижодкор дўстлар ҳамроҳ-лигида Бokuга келдик. Озарбайжон Миллий кутубхонасида ўтган тақдимот шукуҳи ҳа-мон қалбимизга руҳ бағишлаб туради. Мам-лакатимиз раҳбари ҳақида ўзга бир юртнинг атоқли зиёлилари томонидан билдирилган эҳтиромли эътирофларини ўз қулоғинг билан эшитиб, ўз кўзинг билан кўришинг завқи бошқача бўлар экан.

Бу галги адабий учрашувлар, китоблар тақдимоти, улугʻлар зиёрати ҳам кўнгилдаги-дек ўтди. Икки халқнинг муштарак тарихи, адабиёти, санъати бор. Озарбайжонлик ада-биёт ихлосмандлари Мавлоно Лутфий, Али-шер Навоий, Захриддин Мухаммад Бобур, Мухаммад Ризо Огаҳий, Бобораҳим Маш-раб, Муҳимий, Фуқратдек мумтоз алломалар-инимизни, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Зулфия, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбер-диева каби замонавий ўзбек адабиёти ва-килларини ҳам сеvim ўқийади. Шунингдек, озарбайжон адабиёт ихлосмандлари Усмон Азим, Эркин Аъзам, Мирзо Кенжабек, Хай-риддин Султон, Сирожиддин Саййид каби замонамизнинг етуқ адаблари ижодидан ҳам етарлича хабардор. Ўз наватбатида, Низомий Ганжавий, Носириддин Тусий, Имомиддин Насимий, Мухаммад Фузулий, Мулла Паноҳ Воқиф, Хуршидбону Нотавон каби мумтоз, Бахтиёр Ваҳобзода, Самад Вургун, Рамиз Равшан сингари замонавий озарбайжон ада-биёт вакиллари ижоди ҳам ўзбек китобхона-лари қалбидан чуқур ўрин олгани сир эмас. Беvosита ўзимга келсам, бу диёрда менинг ҳам устозу дўстларим бор. Улар Озарбайжон халқ ёзувчиси Анар муаллим, Озарбайжон халқ шоири Наримон Ҳасанзода, таниқли ижодкорлар Феруз Мустафо, Салим Бабулла ўғли, Илгор Фаҳмий, Рашид Мажид, Акбар Қўшали, Хураман Муродова, Парвин, Нигар Ариф ва бошқалар.

Куёш ботар маҳали Озарбайжоннинг Ҳайдар Алиев номидаги халқаро аэропор-тига келиб қўлибди. Меҳмонхонага жойлаш-ган, йўл чарчогини ҳам унутиб, қайдасан, Ҳазар — Каспий, дея денгиз бўйига бориб бир оз сайр этдик. Боқуни шамоллар шаҳри



Ғайрат МАЖИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
раиси ўринбосари, шоир



Бахтиёр Ваҳобзоданинг ватан ҳақида жўшиб
айтган сатрлари тилимда айланаверди:

Эл биларки, сен манимсан,
Юртим, элим, масканимсан,
Онам — тузма Ватанимсан!
Айрларми кўнгул жондан,
Озарбайжон, Озарбайжон!

Мен ўелинган, сен бир она,
Ўелинганки, мен парвона,
Олис-яқин, ҳар томона —
Кўп усам-да, ошёнимсан,
Элим, кўним, маконимсан.

Миртемир домла ҳам бу гўзал ман-зумани ўзбек тилида сайратиб юборган, сизга айтсам. Мабодо, Бахтиёр Ваҳобзода шу шеърини ўзбек тилида ёзганида худди шундай ёзган бўларди. Бу шеър ҳар бир кўшининг Ватанга бўлган меҳру муҳаб-батини юксалтиради. Китобхон бу мисра-ларни кўнгулда ўз юртига мослаб, юраги билан айтади.

Сафаримизнинг дастлабки кунини Турк маданияти ва мероси жамағатимизнинг тад-бирлар залида ташкил этилган Ўзбекистон ва Озарбайжон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, таниқли шоира Хураман Муродо-ванинг “Ватан ишқи — Турон севгиси” ки-тоби тақдимоти билан бошладик. Аввалроқ Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашр этилган ушбу китобнинг тақдимоти

юртимизда — Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада, шунингдек, Низомий номидаги Ўзбекистон давлат педагогика университетида бўлиб ўтган эди. Шоира озарбайжонлик таниқли адиблар ва мухлис-лари олдида ҳам имтиҳондан ўтишни режа қилган кўринади. Маросимни Турк мада-нийти ва мероси жамағатмаси раҳбари Оқў-ти Раимкулова очиб берди, уни Озарбайжон Ёзарлар бирлиги раиси ўринбосари, Озар-байжон халқ ёзувчиси Чингиз Абдуллаев олиб борди. Туркиянинг Озарбайжондаги фавкуллода ва мухтор элчиси Билал Оқун, филология фанлари доктори Гулбаҳор Ашу-рова ҳам янги китоб ҳақидаги ўз фикрлари-ни баён қилди.

Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги фав-куллода ва мухтор элчиси Баҳром Ашраф-хонов ўз сўзида: “Кейинги йилларда икки давлат ўртасида ўзаро ҳамкорлик ришта-лари тобора мустаҳкам бўлиб бормоқда. Шу маънода, адабий-маданий алоқалар ривож янги босқичга кўтарилди. Ҳар икки мамлакатда китоб ва китобхонлик фестиваллари, маданият кунлари, атоқли ижодкорларнинг юбилей саналари ташкил этилаётгани шулар жумласидандир. Боку шахрида IV турк дунёси адабиёт ва китоб фестивали ўтказилди. Анжуманга кўплаб туркий тили давлатлардан ижодкорлар, олимлар келди. Эзгу ишларнинг давоми сифатида таниқли шоира Хураман Муродованинг китоби тақдимоти ўтгани ҳам бежиз эмас”, деди.

Тадбир чиройли ўтди. Шу кезларда ҳаво алмашгани учунми ё бошқа бир сабабдани негадир менинг ҳолимда бир оз ўзгариш бўла бошлади. Бу ҳолатни кузатиб турган шоира бизни “Wip Milan” шифохонасига олиб кел-ди. Керакли муолажаларни олдим. Кейин билсам, етти қаватли бу шифохона таъсисчи-си шоира Хураман Муродованинг ўзи экан. Буни менга тиббий ёрдам кўрсатган асли ўзбекистонлик Илҳома деган шифокор қиз айтди.



Шу ўринда Илҳома ҳақида икки оғиз сўз. У Жиззах шаҳрида таваллуд топган озарбай-жон қизи. Ота-онаси ҳозир ҳам Жиззах шаҳ-рида истиқомат қилади. Унинг Бokuга келин бўлиб тушганига бир йил бўлибди. Ярим йилдан буён шу клиникада меҳнат қилаётган экан. Касбга доир билимини Самарқанд давлат тиббиёт институтидан олган. Унга Тошкент патирларидан берган эдим, кўзида ёш айлан-ди. Секингина “Ўзбекистонни соғиндим”, деб қўйди. Ватан қанчалар улуг саодат экан-ини унинг ёшга тўлган кўзларидан англаш қийин эмасди. Ўзбек тилида чиройли лутф қилган шифокор қизимизга миннатдорлик билдирдим.

Мен шоира Хураман Муродовадан шифо-хона ҳақида қисқача сўзлаб беришини сўра-дим, у бажонидил ҳикоя қилиб берди: — Тиббиёт маркази 2009 йилдан буён фаолият юритиб келади. Тажрибали шифо-корлар, малакали тиббиёт мутахассислари кечаю кундуз беморларга ҳалол хизмат қи-лади. Марказимиз аниқ таъхис қўйиш, са-марали даволаш мақсадида Европада ишлаб чиқарилган юқори сифатли замонавий тиб-биёт ускуналари билан жиҳозланган. Клини-камиз жарроҳлик ва стационар, лаборатория, диагностика, физиотерапия ва реабилитация, амбулатория, яъни кундулик тиббий кўрик-лар ва маслаҳатлар каби қатор йўналишлар-да сифатли тиббий хизмат кўрсатади. Мен

“Озарбайжон деганда, Низомий қаторида Мухаммад Фузулийни ҳам эслаймиз. Фузулий Алишер Навоийни устоз деб билган. “Лайли ва Мажнун” асари улуг Навоийнинг адабий ҳазинаси таъсирида ёзилган десак, хато қилмаймиз.



ўзимни Абу Али ибн Сино шогирди деб би-ламан. Ибн Сино ҳам адабиёт, ҳам тиббиёт билан шуғулланган. Мен ҳам сўзларим, ҳам тиббий муолажалар билан инсонлар қалбига малҳам бўлишни хоҳлайман.

Биз бу фидойи озарий қизининг оппоқ ниятларидан мамнун бўлдик. Унга астойдил муваффақият тиладик.

Бу қардош ўлкага бир неча бор борган бўлсам-да, Ганжа шаҳрида бўлиш насиб этмаган эди. Низомий Ганжавий зиёрати-ни кўпдан орзу қилардим. Аллоҳга шукр, ниятим амалга ошадиган бўлди. Бомдод ма-ҳали Ганжа томон овландик. Машинани ўт олдириган ҳайдовчи: “Насиб этса, 5-6 соатда манзилга етамиз”, деди. Йўл-йўлкай Ганжа ҳақида ўйлаб кетдим. Ҳаяжоним Ҳазарнинг тўққинлари каби десам ишонинг. Ахир мен Низомий Ҳазратнинг бешгини тебратган жойга бориаман. Низомий бобонинг умри кечган манзилларга бориш, ул зот нафас ол-ган ҳаволардан нафас олиш ҳақида ўйлаш жуда мароқли. Айни кезде мутафаккир шоир-нинг “Махзан ул-асрор” даги ушбу мисралари хаёлимда айланмоқда:

Оқил асар сўз бил сўзни топар,
Ориф ўнал сўзда ўзун топар.
Улки билур сўз сўхари қийматин,
Сўзда топар сўзлагувчининг отин.
Ахли назар шеvasини сўз билур,
Нури басар мевасини кўз билур...
Ганжа Озарбайжоннинг Бokuдан кейинги энг йирик тарихий, маданий ва адабий марказ-ларидан бири бўлиб, Шарқ тамаддунида ало-ҳида ўрин тутати. Тарихи минг йилларга бориб тақалади. Шу боис, ҳаммиса сайёҳлар, тарихчи-лар, олимлар, қалам аҳлини мафтун этиб кела-ди. Ўзбекистон учун Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон шаҳарларининг ўрни қанчалар юксак



бўлса, Озарбайжон учун Ганжа, Шуша, Шеки каби кентлар шундай мақом ва мартабага эга. Хабарингиз бор, 2023 йилнинг февралда Тош-кентда биринчи Ўзбекистон — Озарбайжон худудлараро форуми бўлиб ўтган, Самарқанд ва Ганжа, Хива ва Шуша, Бухоро ва Ланкоронь, Қўқон ва Шеки шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланган эди. Бунинг мо-

ҳиятида оламча мазмун бор. Хуллас, Тошкентга келган киши Самарқандни ҳам кўргиси келгани каби Бokuга келган одам борки, албатта, Ганжа саёҳатини хоҳлайди.

Баъзи манбаларда шахар IX асрда барпо этилган деб ёзилган. Айрим манбаларда эса VII-VIII асрларда ҳам мавжуд бўлгани ай-тилан. Бирок шахар номи илк бор IX асрда Аббосийлар халифалиги даврида тилга олин-ган. Ганжа шаҳри теурийлар даврида ҳам гуллаб-яшнагани ҳақида маълумотлар бор...

Уловимиз текис йўللарда равон ҳаракат қилмоқда. Йўл бўйлариди йўловчилар учун қулай шароитлар яратилган. Ҳар жой-ҳар жойда ёқилги қўйиш шоҳобчалари, тамадди қилиб олиш учун ошхоналар бор. Йўл юрар эканмиз, унинг икки томонида гоҳ ям-яшил экин майдонлари, гоҳ кишиларнинг уй-жой-лари кўзга ташланади. Бир тамаддиҳона-тўққинлари каби десам ишонинг. Ахир мен Низомий Ҳазратнинг бешгини тебратган жойга бориаман. Низомий бобонинг умри кечган манзилларга бориш, ул зот нафас ол-ган ҳаволардан нафас олиш ҳақида ўйлаш жуда мароқли. Айни кезде мутафаккир шоир-нинг “Махзан ул-асрор” даги ушбу мисралари хаёлимда айланмоқда:

Ганжа шахрига кириб келишда Низомий Ганжавийнинг афсонавий беш достони — “Хамса” асарига ишланган очик китобни эслатувчи ёдгорликлар қарши олади. Китоб саҳифасида асар мазмунига мос миниатюра тасвирлари бор. Чамаси ҳар юз-икки юз қа-дамлар оралигида даврлар тартиб билан ўрна-тилган. Гўё сизни дастлаб “Махзан ул-асрор” кутиб олади, кейин “Хусрав ва Ширин” томон юзланасиз, сўнг “Лайли ва Мажнун” меҳмони бўласиз, “Хафт пайкар” у “Искандарнома” им-тиҳонидан ўтиб, Ҳазрат Низомий Ганжавий қошига борасиз. Бу худдики Ганжага кириш учун Низомий Ганжавийдан дуо олиш керак деган таассурот қолдиради кишида.

Озарбайжон деганда, Низомий қаторида Мухаммад Фузулийни ҳам эслаймиз. Фузулий Алишер Навоийни устоз деб билган. “Лайли ва Мажнун” асари улуг Навоийнинг адабий ҳазинаси таъсирида ёзилган десак, хато қилмаймиз. Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун”и мутолааси жараёнида кўнгулмда шундай мисралар пайдо бўлган эди: Фузулий мазмундай бўлади, кўрдим,
Дил — гардун, гардинни излади, кўрдим.
Лайлат ул қадри кўрмоқ қасдида,
Ухламай Лайлидан сўзлади, кўрдим.
Низомий Ганжавий мақбараси зиёрати асносида юрагим шу сўзларни тилимга чи-қарди: Кай сори борарман, қанча борарман,
Бу ҳаёт қанча бор, шунча борарман.
Кўн ботгунча тинмай боргайман, яна
Минг-минг бора тонг отгунча борарман.
Боқ, дил-гул очилб, борурман гулдай,
Рангимни билмайсан, гулча борарман.
Дунё қувончини истазан каслар,
Мен бахтдан бахтлироқ ранжа борарман.
Навийи пиримнинг этагин тутиб,
Муътабар ганжина “Пандэ” а борарман.
Низомий бобонинг зиёрати — ганж,
То рўзи қиёмат Ганжа борарман.
Хулоса ўрнида айтадиган бўлсам, ўзбек-озарбайжон ижодкорлари ўртасидаги бу каби ҳамкорлик адабий алоқаларнинг яна ҳам юк-саллишга хизмат қилади. Зеро, икки давлат раҳбарининг оқилона сиёсати мана шундай хайрли ишларга қанот бераётир.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.